O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

БУГУНГИ КУНДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ҚОНУНСИЗЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ФАВҚУЛОДДА МУҲИМ ВАЗИФА БЎЛИБ ТУРИБДИ

Ислом КАРИМОВ

Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ–ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан чиқа бошлаган	2000 ЙИЛ 22 ФЕВРАЛ, СЕШАНБА	№ 8 (160)	Сотувда эркин нархда



БАХТЛИ БОЛАЛИК

Шавкат АКРОМОВ олган сурат

Соғлом фарзанд - порлоқ келажак

Суҳбатдошимиз Дилбар ҚУРБОНОВА, хизмат фаолиятини 1968 йилда суд ижрочилигидан бошлаган. Адвокат, Пешку туман суди раиси, Бухоро вилояти суди аъзоси вазифаларида ишлаган. 1995 йилдан буён Олот туман суди раиси лавозимида. Оилалик, 4 фарзанднинг онаси, 2 нафар набираси бор.

- Дилбар Шодмоновна, жамиятимизда оиланинг ўрни, моҳияти ҳақида гапириб ўтирмасак бўлади. Шу боисдан эр-хотин ўртасида учрайдиган низоларнинг барҳам топишида, оила ва унинг синиши каби ҳолатлар ҳамда бу борада суд ҳамда жамоатчиликнинг ўрни хусусида суҳбатлашсак.

- Тушунарли. Оила жамиятнинг кичик бўлаги. Жамият эса тинч-тотув яшаётган, фарзандларини эл-юртга муносиб, Ватанга садоқатли қилиб тарбиялаётган оиладан манфаатдор. Оилалар тинч-тотув бўлмас экан, ҳуқуқий демократик давлатнинг бундан кейинги ривожига ҳисса қўшаоладиган баркамол авлодни тарбиялаб бўлмаслиги кундай равшан. Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин жамиятимиз негизи саналган оила масаласига, уларнинг тинч-тотувлигига, келажагимиз - болалар тарбиясига, таълим олишига алоҳида эътибор қаратилди. Ўтказилаётган ислоҳотлар худди шунга йўналтирилган. Оила кодексининг қабул қилингани, 2 ёшгача бўлган болаларга, 16 ёшгача болалари бор кам таъминланган оилалар ижтимоий ҳимоя олингани ва бошқа кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳамда берилган имтиёзлар бунинг яққол далилидир.

Ҳуқуқий-демократик давлатда қонун устуворлигини таъминлаш - ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи. Эр-хотин ўртасида учрайдиган низоларга барҳам беришда, оилалар бузилиб кетишининг олдини олишда, жамоатчилик, маҳалла, фуқаролар йиғинлари оқсоқолларининг ўрни бениҳоя катта. Бундан ҳеч қачон кўз юмиб бўлмайди. Қачонки, улар зиммаларидаги вазифага масъулият сезиб, сидқидилдан ёндашсаларгина низолар ортга чекиниб, жанжалли оиланинг «суви тинади».

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қарори бежиз қабул қилинган эмас. Чунки маҳалла ҳаётнинг барча жабҳаларини ўз ичига олган. Оилавий жанжаллар, қўни-қўшнилар, қуда-андалар ўртасидаги келишмовчиликлар, мерос, уй-жой талашиш, ўғрилик, майда безорилик маҳаллада, унинг оқсоқоллари кўз олдида содир бўлади. Маҳалла фоалларининг «изга тушиб кетар» қабилидаги озгина бепарволиги хунук ҳолларга, оила бузилиб кетишига, қолаверса, жиноят кўчасига эшик очилишига сабаб бўлиши мумкин. Бу суд амалиётида,

ҳаётда исботланган.

Энди нотинч оилаларнинг судлашувлари масаласига келсак, аввало, маҳалла қўмитаси, фуқаролар йиғинида низо ҳал бўлмагандан кейингина судга мурожаат қилиш одат тусига кираяпти. Халқ судни жазолайдиган орган эмас, балки одамлар унга ҳақ-ҳуқуқини муҳофаза қилувчи адолат посбони, ҳимоячиси сифатида қарайдиган бўлаяпти.

- Демак, маҳалла, фуқаролар йиғини, суд ҳамкорлиги зарур экан-да...

- Ҳақиқатан шундай. Ўтган 1999 йилда туманимизда маҳалла, фуқаролар йиғинларида низолари барҳам топмай судга ажратишни сўраб даъво аризаси берган ўн еттита оила бузилиб кетишдан сақлаб қолинди. Судга ажратишларини сўраб берилаётган даъво аризаларини кўришда аниқланаётибдики, низо арзимас сабабларидан кенгайиб кетган. Тўртбеш йил турмуш қурган ёшларнинг бир-бирларини яхши ўрганмаганликлари, озгина моддий қийинчиликлар, дангасалик, оилага қайнона ёхуд қайнотанинг нотўғри аралашуви дилхираликларга сабаб бўлмоқда.

Юқорида мен ўн еттита оиланинг ажралиб кетишдан сақлаб қолингани ҳақида гапирдим. Уларнинг яшаш манзили, исм-шарифларини айтиб, республикага достон қилишимга ҳожат йўқ. Чунки улар бугун аҳил-иноқ турмуш кечиришаяпти, болаларини тарбиялашмоқда. Шу ўринда туман судига нотинч оилаларни бузилиб кетишдан сақлаб қолишда ҳуқуқий маслаҳат олиб қўмаклашган Чандир, Пахтакор, Чорбоғ, Жумабозор, Толқон қишлоқ фуқаролар йиғинлари фаоллари хизматини таъкидлаб ўтишим жоиз. Хулоса шуки, маҳалла, фуқаролар йиғинлари, суд ҳамкорлиги ниҳоятда зарур. Биз ҳамкорликда «Ёш оила», «Аёл, оила, жамият» ва бошқа ҳуқуқий мавзуларда суҳбатлар ташкил этаяпмиз. Республикамиз Президентининг 1997 йил 25 июндаги «Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш» ҳақидаги Фармони ижросига эътибор қаратаётганимиз фойдадан ҳоли бўлмаяпти.

- Дилбар Шодмоновна, даъвогар ва жавобгарларнинг никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги фуқаролик иши бўйича томонларнинг оилани тиклаб яшаётганликлари туфайли ҳаракатдан тўхатилгани ҳақида ажримни ўқиганингизда суд раиси, қолаверса, она сифатида ўзингизни қандай ҳис этасиз?

- Эр-хотин келиштирилиб, жанжалларига чек қўйилганда, бу ҳақда ажрим ўқиганимда елкамдан тоғ ағдарилгандай бўлади. Суд биносидан бирга чиқиб кетаётган ёстиқдошларни кўриб, ҳурматли Президентимизнинг «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар куни қилиш керак», деган сўзлари хаёлимдан кечади. Ахир, оила сақлаб қолинди. Ахир, мен суд раисигина эмас, балки онаман ҳам. Норасида ғўдаклар юраги кемтик, ота ёки она меҳридан жудо бўлишига йўл қўйилмаслигини қалбдан ҳис этаман. Ота-она меҳридан тўйиб камол топган, билимли, ҳунарманд, ақлли, доно инсонгина мустақил юртимизнинг муносиб фарзанди бўлишига ишончим комил. Ҳукуматимиз томонидан берилган ҳеч бир имтиёз, биламизки тирик етимлар дардига ота-онадек ҳеч қачон тўла малҳам бўлолмайди.

Суҳбатдош: Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ, «Инсон ва қонун» мухбири

Судья сўз сўрайди

РАҲБАРНИНГ ҲАМРОҲИ – ҚОНУНИЙЛИК

Мустақил мамлакатимизда мустақил демократик давлатнинг тамал тоши - қонун устуворлигига эришиш борасида ишлар жадаллашиб кетганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Яқинда бўлиб ўтган Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси биринчи сессиясининг иккала палатасида ҳам, Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил иқтисодий ислоҳотлар якунлари ва олдинда турган вазифаларга бағишланган мажлисида ҳам муҳокама ва маърузаларда қонунийлик, ҳуқуқийлик, жамиятни эркинлаштириш, улар мағзида эса инсон ва унинг қонуний манфаати ҳимояси кафолати олд қаторда турди.

Улар бизни бугунги кунда ўз фаолиятимизни янгичасига ташкил этишга ва йўналтиришга чорламоқда. Жамият ҳаётини барча соҳаларини ислоҳ қилишга киришилган бир даврда мамлакатимиз танлаган ва йўлбошчимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юритилаётган юксак тагзаминли сиёсатни сўзсиз қўллаб-қувватлашимиз, унга оғишмай амал қилишимиз лозим. Бу айниқса, раҳбарларга кўпроқ таалуқли. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, «Афсуски, лавозим, вазифани отабобосидан қолган меросдек биладиган раҳбарлар ҳам учраб туради. Ҳаётимизда шундай кимсалар ҳали оз эмаслигини тан олишимиз ва бу каби ҳолатларга қарши курашмоғимиз зарур».

Юқорида таъкидлаган анжуман ҳужжатларини ўрганар эканман, ўз фаолиятимда дуч келган бир фактни жонли мисол тариқасида келтириб ўтишни жоиз деб билдим. Сайхунобод туман «Ғалаба» ширкатлар уюшмаси сут-товар фермасининг мудири Мустафо Раббиев судга даъво аризаси билан мурожаат қилди. У 1999 йил 21 августда уюшма умумий йиғилишида бошқарув қарорига биноан асоссиз ишдан бўшатилганлигидан норози бўлиб шикоят берган эди. Қарор мазмунига кўра гўё мудир сут-товар фермасида йўл қўйилган хато-камчиликлар учун туман ҳокимининг қарорига асосан вазифасидан бўшатилсин, дейилган.

Аммо суд муҳокамаси шуни кўрсатдики, туман ҳокимиятида бундай қарор умуман чиқарилмаган. Иш жараёнида юз берган камчиликлар хусусида эса мудир хўжалик раҳбарларига ўз вақтида маълум қилиб, уларнинг берган йўл-йўриқларига кўра иш тутган экан. Қарангки, ҳатто ўз вазифасини бажариб турган раҳбар ишдан бўшатилмасдан туриб, унинг ўрнига янги раҳбар ишга тайинланибди. Устига-устак янги раҳбар Назира Ғаниева ҳам туман ҳокимининг ҳали чиқарилмаган қарорига асосланиб, эски раҳбарни ишдан бўшатиш ҳақида буйруқ берган.

Суд Мустафо Раббиевнинг даъвосини асосли деб топди. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 111-моддасига асосан меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бузилганлигини эътироф этиб, Мустафо Раббиевни вазифасига тиклаш ҳамда мазкур кодекснинг 275-моддасига асосан даъвогарнинг мажбурий равишда ишсиз юрган даври учун ҳақ тўланиши тўғрисида қарор чиқарди.

Ҳа, Президентимиз бекорга жон куйдириб, раҳбарлар масъулиятини ошириш тўғрисида бот-бот сўз юритмаяпти. Ахир, битта қўпол хато туфайли қанча асаблар бузилади, халқнинг раҳбарларга бўлган ишончи дарз кетади. Шунинг учун ҳам сессияда «Халқимиз одамни синамоқчи бўлсанг, унга амал бериб кўр, деб бежиз айтмаган, агар раҳбар талабларнинг ҳаммасига эмас, лоақал бир қисмига жавоб бера олса ҳам, албатта, бағри кенг элимиз бундай одамни ардоқлайди... Одамларимиз айнан шундай фазилатларни биздан - раҳбарлардан кутишини ҳеч қачон унутмаслигимиз керак» дейилди. Бу сўзлар фаолиятимизда дастуриламал бўлиб қолиши лозим.

Ўктам ЖАББОРОВ, Сирдарё туман судининг судьяси

Жаҳолат ва маърифат

ЛОҚАЙДЛИККА, БЕПАРВОЛИККА БЕРИЛИШГА ҲАҚҚИМИЗ ЙЎҚ

Бу воқеа болалик пайтларимда юз берганди. Бироқ негадир ҳеч ёдимдан чиқмайди: қўшниларимиздан бирининг уйига бир кимса ўғирликка тушгани ва ёшу қари - ҳамма тўпланиб, ўғрини ўртага олишгани, сазойи қилишгани...

Ўшанда йиғилганларнинг ҳар бирининг юзидаги важоҳатидан шундай маънони уққандимки, гўё ўғри айнан унинг уйига, унинг мол-мулки, ризқ-рўзига кўз олайтирган, осойишталигига раҳна солгандек эди. Биз қадимкадимдан жамоа бўлиб яшашга ўрганган халқмиз. Биз қувончу қайғумизни бирга-бирга ҳис этиб яшаб келаётган халқмиз, дегандилар Президентимиз телевидениедаги бир чиқишларида. Айни дамда Президентимизнинг бу дил изҳорлари болалик хотираларимни янада ёритиб, ёркинлаштириб юборгандек бўлди. Маҳалланинг ҳар бир ҳовлиси - хонадонидаги кундалик ҳаёт қандай кечаяпти, унда яшаётганларнинг аҳвол-руҳияти қандай, нима билан тирикчилик қиляпти - ҳаммаҳаммаси маҳалладошларга очиқ-равшан эди. Шундай муҳит барқарор эдики, бировнинг кулфату қувончи бошқа бировга бегона эмас эди.

Халқимизнинг кўп доно нақллари борки, эслаганда ҳар гал қойил қоламиз. Улардан бирида: «Куч - бирликда», дейилади. Кўпдан қўён қочиб қутулмас, деган нақл ҳам бор. Демак, ҳаммамиз бирга бўлсак, бир-биримизга лоқайду бепарво бўлмасак, огоҳликни ҳаётимиз шиорига айлантирсак, куч бизнинг тарафда бўларкан.

Куни кеча пойтахтимизда бўлиб ўтган «Огоҳлик давр талаби» мавзуидаги йиғилишни телевидение орқали кўриб тингларканман, кўнглимдан юқоридаги фикрлар кечди. Йиғин иштирокчилари чин дилдан, куйиниб, ёниб, жўшиб гапиришди. Ёниқ сўз эса қалбларда, албатта, акс-садо беради, ўйлашга, мушоҳада юритишга, бедорликка, огоҳликка ундайди. Мустақиллик - буюк неъмат. Ўз юртингга ўзинг эгасан, ўз тилингда баланд овозда гапира оласан, қадди-қоматингни тик тутиб, эркин-эмин яшашга ҳақли, озод инсонсан. Ана шундай юксак мартабага нойил бўлган пайтимизда баъзи бир ёшларнинг муқаддас динимизга бутунлай ёт оқимлар таъсирига тушиб қолиши, қўлига қурол олиб, бузғунчиликка даъват этувчи варақалар тарқатиши бунёдкорлик билан машғул юртдошларимиз юрагини жижил қилади.

Хўш, бадният кимсаларнинг пайини қирқиш, янги фожиалар олдини олиш учун нима қилишимиз, қандай йўл тутишимиз керак?

Бўлиб ўтган йиғилишда ана шу масала хусусида атрофлича гап борди. Бу ишни фақат ички ишлар ходимларигагина ташлаб қўйиб, томошабин бўлиб туриш мумкин эмас, дея таъкидланди. Маҳаллалар раислари, фаоллари, имом-хатиблари, хотин-қизлар қўмиталари, фуқаролар қўлни-қўлга бериб, фаоллик кўрсатишлари керак. Бу борадаги иш шундай ташкил этилсинки, Президентимизнинг «Жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш керак»лиги ҳақидаги ўгитлари ҳар биримизнинг ҳаётий аъмолимизга айлансин. Шуни унутмайликки, биз ҳар биримиз шу юртнинг тақдири - бугуни ва келажаги учун масъулмиз. Ҳар биримиз - ота ёки она, бобо ёки буви, опа ёки сингил, ака ёки укамиз. Бундан ташқари, қариндошчилик ришталари билан боғланган кўплаб қадрдонларимизга ҳам эгамиз. Демак, биз катта кучмиз. Ҳар биримиз ўз хонадонимиздаги муҳит учун жавобгаргина бўлиб қолмасдан, давлатимиз, жамиятимизнинг ўсиши, ривожланиши, юксалиши учун камарбастамиз. Эринчоқлик, лоқайдликка, бепарволикка берилишга ҳаққимиз йўқ. Шундай экан, болаларимиз таълим-тарбиясига зийраклик билан ёндашайлик. Фарзанд - жону жигаримиз, кўзимизнинг оқу қораси. Соғ танда соғ ақл, деган нақл бор. Президентимиз бу йилни «Соғлом авлод йили» деб эълон қилдилар. Бутун йил давомида мамлакат миқёсида хўп хайрли, саховатли, хосиятли ишлар амалга оширилади. Бу катта жараёнга биз ҳам отаона сифатида ўз ҳиссамизни қўшайлик. Болаларимизнинг соғлом ўсиши йўлида жон койитайлик. Мияси бутун, илиги тўқ бўлиб ўссин болаларимиз. Фарзанд таълим-тарбиясини ҳаётимизнинг бош мақсад-мазмунига айлантирайлик. Ҳовлимиз ё уйимизнинг бир чеккасида спорт бурчагини ташкил қилайлик. Болаларимизни гўзаллик билан ошно қилиш учун музей-кўргазмаларга, театрларга, табиат қўйнига сайру саёҳатлар уюштирайлик. Фарзандимиз китоб билан ошно бўлсин. Олим бўлсанг, олам сеники, ўғлим, қизим, деган гапни ҳамиша қулоғига қуйиб туришдан эринмайлик. Ёнма-ён давра қуриб ўтириб, улар билан фикрлашайлик, баҳслашайлик. Биз яшаб турган бу дунё ҳақида, бу юрт ҳақида, инсонийликнинг бош мезони ҳақида, бугунимиз қандай кечаётгани, эртадан нимани кутаётганимиз ҳақида узоқ-узоқ суҳбат қуришдан эринмайлик. Эҳ-ҳе, бу дунё, бу ҳаётнинг савол-сўроқлари, муаммолари нақадар бисёр... Ота-она сифатида фаолиятимизнинг қўлами ҳам шунга яраша кўп қирралидир. Бундоқ жиддий ўйлаб қарайдиган бўлсак, тирикликнинг, инсоний ҳаётнинг жамики масъулияти, муаммолари ечими оиламизга - оталигимиз, оналигимизга келиб тақаларкан; кўнгиллар хотиржамлиги, бахту тахтга сазоворлик, юрт равнақи, тараққиёти ҳам бизу сиздан экан.

Демак, ота эканимиз, она эканимиз, аввало, ўз-ўзимизни тарбиялайлик, ўз-ўзимизни қайта кашф этайлик, ўз-ўзимизни фарзанд таълими, тарбияси, камолоти йўлига сафарбар этайлик.

К.НАЖМИДДИНОВ, Андижон вилояти адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Бизнинг суҳбат

БОЖХОНА ХОДИМИ БЎЛИШ ОСОНМИ?!

Ўзбекистон Республикаси Президенти Республика Олий Мажлисининг Иккинчи чақириқ биринчи сессиясида, шу сессиянинг иккинчи йиғилишида ва Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қилган маърузаларида мамлакатимиз истиклоли, юрт фаровонлигини ошириш йўлидаги асосий устувор йўналишларни белгилаб берди. И.А.Каримов барча асосий диққат-эътиборни суд-ҳуқуқ, сиёсат, давлат қурилиши ва бошқаруви, иқтисодиёт, маънавият, ташқи сиёсат ва хавфсизликни таъминлаш соҳаларидаги, хусусан, жамиятни эркинлаштириш борасидаги долзарб вазифаларга қаратди.

Бу йўналишлар аввало, давлатимиз иқтисодий қудратини, унинг кенг кўламли салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилиши шак-шубҳасиз. Бугунги тезкор, шитобли ўзгаришлар барча соҳа ходимлари қатори республикамиз божхона ходимлари ва раҳбарияти зиммасига ҳам талай масъулиятли вазифалар юкламоқда.

Мухбиримиз Республика Давлат божхона қўмитаси раиси, божхона хизмати генерал-майори Саидазим Орипович ОРИПОВ билан кадрларни танлаш, тарбиялаш, ўқитиш ва жой-жойига қўйиш, жойларда божхоначиларнинг олиб бораётган масъулиятли, шарафли ва айни пайтда ўзига хос машаккатли хизматлари хусусида суҳбатлашди.

- Саидазим Орипович, аввало, Сизни шарафли вазифа Давлат божхона қўмитаси раиси этиб тайинланганингиз билан Бирлашган таҳririятимиз ходимлари ва кўп минг сонли мухлисларимиз номидан чин дилдан табриклаймиз.

- Раҳмат.

- Саидазим ака, Президентимиз бугунги ўта масъулиятли бир даврда аввало раҳбарларга, биринчи навбатда, энг юқори вазифаларда ўтирганларга, қолаверса, етакчилик вазифасини ўз зиммасига олган ҳар бир шахсга замон талаблари кундан-кунга ошиб бораётганлигини такрор ва такрор уқтирмоқда. Бу талаб албатта, республикамиз божхоначилари ва унинг раҳбарияти зиммасига ҳам талай масъулият юклайди. Шундай эмасми?

- Албатта. Республикамиз раҳбарининг олиб бораётган доно ички ва ташқи сиёсати туфайли мамлакатимизни бутун дунё таниди, мустақил Ўзбекистонимиз Жаҳон Ҳамжамиятининг тўлақонли ва фаол аъзосига айланди. Республикамизнинг халқаро майдондаги обрўси кундан-кунга ортиб бормоқда. Давлатимиз ички ва ташқи сиёсатининг ажралмас қисми бўлган божхона сиёсатида ҳам кейинги йилларда туб ўзгаришлар ясалди. Юртбошимиз томонидан соҳа ривожига берилаётган катта эътибор натижасида божхона сиёсатининг асосий тамойиллари белгиланди, божхона ишининг қонуний, ташкилий ва моддий асослари яратилди. Божхона идоралари ўз касбини пухта билувчи маънавий, ахлоқий баркамол кадрлар билан тўлдирилди.

(Давоми 3-бетда)

Вилоят адлия бошқармаларида

ШАРТНОМАВИЙЛИК-ЛАБЗ ҲУЖЖАТИ

Мамлакатимизда бозор муносабатларига ўтиш жараёнида иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланган шартномавийлик муносабатларига эътибор кучаймоқда. Бу борада қўйилаётган талаблар асосида адлия бошқармамиз томонидан жойларга мунтазам чиқишлар ташкил этилиб, шартномаларнинг қонуний тузилиши, муддатида бажарилиши ҳамда улар юзасидан хўжалик субъектларига қонун талаблари доирасида амалий ёрдам кўрсатишга эътибор берилиб келинмоқда. Хусусан, вилоятимизда 1999 йил мобайнида қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан 920 млн. сўмлик 5772 та ички шартномалар тузилган. Шундан 862 млн. сўмлик 5418 та шартнома оилавий пудрат, 58 миллион сўмлик 354 таси ижара шартномалари бўлган. Биз ўрганган 58 та ёки 684 миллион сўмлик ташқи шартнома ҳамда 182 миллион 478 та оилавий пудрат ички шартномаларида жиддий камчиликлар аниқланиб, адлиячилар ёрдамида улар қонун талабларига мос ҳолга келтирилиб, қайта туздирилди.

Жумладан, Қизилтепа туманидаги жамоа, ширкат ва фермер хўжаликларида шартномалар тузилиши ва талаблари ўтказилиб, жиддий камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Улар умумлаштирилиб, Қизилтепа туман ҳокими номига тегишли тақдимнома киритилди.

Натижада «Зарметан» фермер хўжаликлари уюшмаси юристи К.Жумабоевга «Тошработ» жамоа хўжалиги юристи А.Бахриддинов ва бошқаларга интизомий жазо берилиб, камчиликларни бартараф қилиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилишига эришилди.

Хатирчи туманидаги К.Раҳматов ширкат хўжалигида 1999 йил учун давлатга пахта, дон ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳамда сабзавот экинлари етиштириш бўйича хўжаликнинг оилавий пудратчилари билан тузилган пудрат шартномалари текширилганда 4 та оилавий пудратчи, яъни А.Ширинов, Ш.Наврўзов, К.Усмонов ва бошқалар шартнома мажбуриятларини бажармаганликлари аниқланди. Улар 36160 кг. пиёзни шартномага кўра тайёрламаганликлари оқибатида 433920 сўм зарар етказган.

Ёки Қизилтепа туман «Бўстон» жамоа хўжалигида дон етиштириш бўйича ички шартномаларда «Режадан ортиқ етиштирилган дон хўжалик ишлаб чиқариш режасини бажарса, ижарачига берилади», деб белгилаб қўйилган ҳолда хўжаликнинг 73 та оилавий пудратчилари ўз мажбуриятларини ортиғи билан бажарса-да, уларга фақат иш ҳақи ҳисобидан 50 килограммдан прейскурант нархида тарқатилган, холос.

Навбаҳор тумани «Навбаҳор» жамоа корхонасида давлатга пахта сотиш бўйича тузилган 84 та ҳамда дон сотиш бўйича 70 та ички пудрат шартномаларидан 37 таси бажарилмаган.

Шартномалар тузилиши борасида йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф қилиш, шартнома интизоми бузилишининг олдини олиш ҳамда мансабдор шахсларнинг масъулиятларини ошириш борасида ўтган йилнинг декабр ойида вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида хўжалик юритувчи субъектлар иштирокида семинар машғулотлари ўтказилди.

Бошқармамиз жорий йилда ҳам хўжалик юритувчи субъектларга шартномавий муносабатлар бўйича амалий ёрдам кўрсатиш ишларини давом эттирмоқда.

Кўзлаган мақсадимиз барча хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартномаларни қонуний тузилишига эришиш, шартнома интизомини мустаҳкамлаш ҳамда шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг масъулиятини оширишдан иборатдир.

Н.АТАШОВ, Навоий вилоят адлия бошқармаси маслаҳатчиси

БУГУНГИ СОНДА:

ЎҚ ОТАР ҚУРОЛ-ЁДҒОРЛИКМИ?

"ТАКСИ" операцияси

ёки "Вицин"нинг янги саргузаштлари

Прокурор сўз сўрайди

ИНТИЗОМ МУҚАДДАС БУРЧ

Ҳуқуқий жамият қурилаётган бир вақтда барчанинг қонун талабларига риоя қилиши демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти шаклланишининг асосий талабларидан бири ҳисобланади. Давлат ва нодавлат корхоналарда мулкчиликнинг шаклидан қатъий назар барча ташкилотларда меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомига қатъий риоя қилиш бир томондан ишлаб чиқариш самарадорлигининг юксалишига имкон яратса, иккинчи томондан қонун устуворлигини таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Лекин интизом ўлдажўлда бўлиб, корхона ички тартиб-қоидаларига риоя қилинмасдан қўйилса, бу қонунбузарлик аста-секин катталашиб, фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқларининг камситилишига, ҳар хил эътирозлар, низолар келтириб чиқаришига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам интизомни тўғри йўлга қўйиш, уни бузишга уринган, итоат қилмаган ходимларга нисбатан қонун талабларини тўғри қўллаш ҳар бир раҳбар учун бозор иқтисодиёти талабларидан биридир.

Хўш, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ўзлари раҳбарлик қилаётган корхонларда меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш борасида, меҳнат интизомини бузувчиларга нисбатан қонунда кўрсатилган интизомий жазо чораларини тўғри қўллямоқдами? Келинг, туманимиз ҳудудидаги корхоналар маъмуриятларининг 1999 йилда қабул қилган буйруқлари қонунийлигини, улар нақадар меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга имкон яратаётганлигини биргаликда кўриб чиқайлик. Туман прокуратураси томонидан 124 та давлат ва нодавлат корхоналар маъмуриятининг 1999 йилда қабул қилган буйруқлари ўрганилди. Қарангки, улардан 54 таси ёки 43,5 фоизи томонидан меҳнат қонунларига хилоф равишда буйруқлар чиқарилиб, қонун талаблари инкор қилиб келинган бўлиб чиқди.

Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунлари кодексининг 181-моддасида ходимга меҳнат интизомини бузганлиги учун иш берувчи томонидан ҳайфсан, ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш, ички меҳнат тартиб-қоидаларини бузган ходимга ўртача ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш, меҳнат шартномасини бекор қилиш (100-модда 2-қисмининг 3 ва 4-бандлари) каби интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкинлиги, улардан бошқа интизомий жазо чоралари қўллаш таъқиқланганлигига қарамасдан, корхоналар маъмуриятлари ходимлари меҳнат интизомини бузганликлари учун касаба уюшмаси қўмитаси розилигисиз ишдан бўшатиш (Меҳнат қонунлари Кодексининг 101-моддаси), уларга «қаттиқ ҳайфсан», «огоҳлантириш», «қаттиқ огоҳлантириш» эълон қилиш, касб малакасини пасайтириш, 3 ой ва ундан ортиқ муддатга лавозимини пасайтириш, ойлик ва йиллик иш ҳақи тизимига кирмайдиган мукофот пулларидан 5 фоиздан 100 фоизгача маҳрум қилиш каби интизомий жазо чоралари ноқонуний қўлланиб келинган.

Масалан, Бухоро автомобил йўлларини қуриш ва фойдаланиш бошқармаси (А.Абдуллаев), йўл-кўприк бошқармаси (И.Турдиев), «Бухоройўлгранит» ёрдамчи ишлаб чиқариш корхонаси (Э.Шарипов), йўллардан фойдаланиш бошқармаси (А.Ҳасанов), «Бухоро ипаги» ҳиссадорлик жамияти (Б.Тилавов), вилоят ва шаҳар электр тармоқлари корхоналари (Я.Н.Хожиев, Т.Розиқов), вилоят электр алоқаси ишлаб чиқариш корхонаси (Ш.Худойбердиев), «Бухоросувмахсустаъмир» ҳиссадорлик жамияти (А.Бахтеев), вилоят болалар шифохонаси (А.Шамсутдинов), энергетика ва насос станциялари бошқармаси (Э.Қодиров), Бухоро автомобил транспорти экспедиция комбинати ҳиссадорлик жамияти (А.Ибрагимов), «Замин» Ипотека банки Бухоро бўлими (Б.Ахтамов), Бухоро таъмирлаш «Агромашсервис» ҳиссадорлик жамияти (Н.Ширинов), Бухоро Давлат Университети ихтисослаштирилган лицейи (Р.Мирзаходжаев), «Ўзагросуғурта» корхонаси (Х.Жўраев), 2524-сонли автокорхона (Ф.Орипов), вилоят ижтимоий таъминот бошқармасига қарашли аёллар мурувват уйи (Н.Раҳматова), эркаклар мурувват уйи (Ф.Жўраев), «Бухоровилоятгаз» бошқармаси (Ф.Тўхтаев), 2533-сонли автокорхона (Ж.Насритдинов)лар маъмуриятлари томонидан бундай буйруқлар қабул қилинган. Сабабини ўрганганимизда улардан бири бу корхоналар ҳуқуқшунослари ўз хизмат вазифаларига совуққонлик билан қараб келаётганликлари эканлиги аниқланди. Прокуратура бу ноқонуний буйруқларни бекор қилиш борасида 100 да ортиқ протест келтирди.

Биргина Бухоро автомобил йўлларини қуриш ва фойдаланиш бошқармасининг 1999 йилда қабул қилган 175 та буйруғидан 49 таси ёки 28,0 фоизи қонунга хилоф эканлиги аниқланди. Бу ерда интизомни бузган ходимларга интизомий жазо сифатида уларга бериладиган ҳар ойлик мукофот пулининг 5 фоизидан 100 фоизигача чегириб қолинган. Бошқарма бошлиғи А.Абдуллаев ва кадрлар бўлими бошлиғи Ф.Нарбековалар маъмурий жавобгарликка тортилди. Худди шундай ҳолатларга «Бухоройўлгранит» ёрдамчи ишлаб чиқариш корхонаси, йўл-кўприк ва Ф.Хўжаев туман йўллардан фойдаланиш бошқармаларида ҳам йўл қўйилган.

Бухоро пахта тозалаш заводи маъмуриятининг буйруғига биноан меҳнат интизоми ва ички тартиб қоидаларини бузган созловчи Зиёдулло Ниёзов, вилоят ижтимоий-таъминот бошқармасига қарашли аёллар мурувват уйи маъмуриятининг буйруғига биноан омбор мудири Т.Жўраев, парҳез ҳамшираси В.Саидова, ошпаз А.Шеров, «20-трест» ҳиссадорлик жамиятининг буйруғига биноан 2-сон КМК бошлиғи М.Маҳмудов, Бухоро таъмир «Агромашсервис» ҳиссадорлик жамияти маъмуриятининг буйруғига биноан корхона ходими Х.Наимов Меҳнат қонунлари Кодексининг 101-моддасига хилоф равишда, касаба уюшмаси қўмитасининг розилигини олмасдан вазифаларидан бўшатилган.

Бухоро шаҳар ихтисослаштирилган «Замин» давлат акционерлик Ипотека банки Бухоро филиали маъмурияти меҳнат интизоми ва ички тартиб-қоидаларини бузган ходимларга интизомий жазо сифатида мукофот пулларининг 10 дан 30 фоизигача маҳрум қилиш чорасини қўллаган. Шу ерда ҳисобот бўлими бухгалтер-назоратчиси Жамшид Аҳадов меҳнат интизомини бузганлиги учун хат ташувчи лавозимига кўчирилган.

Бухоро вилоят иқтисодий ночор корхоналар бошқармаси маъмурияти ўз буйруғига биноан меҳнат интизоми ва ички тартиб қоидаларини бузган бош мутахассис Р.Муродов, бўлим бошлиғи Б.Раджабов, бош мутахассис Б.Норов ва етакчи мутахассис Е.Каримовларга интизомий жазо чораси сифатида мукофот пулларидан 20 фоиздан 100 фоизгача чегириб қолган.

Бухоро вилоят насос станциялари бошқармаси маъмурияти Б.Баҳромов, И.Ҳусенов, Ш.Наврўзов деган ходимларни интизомий жазога тортар экан, ойлик мукофот пулларидан маҳрум қилган, Г.Гадоев ва Н.Назаровларга интизомий жазо сифатида «огоҳлантириш» эълон қилган, насос станциялари бошқарма бошлиғининг ўринбосари А.Очилов нотўғри ўз вазифасидан четлаштирилган.

Бухоро вилоят Давлат электр алоқаси ишлаб чиқариш корхонаси маъмурияти интизомий чора тариқасида электромонтерлар Х.Шарипов, Х.Деҳқонов, Н.Анейчук ва Б.Ҳамидовларнинг мукофот пулларини 20 фоизга камайтирган. Бухоро Давлат Университети ҳузуридаги ихтисослаштирилган лицей маъмурияти меҳнат интизомини бузган ходимларга «огоҳлантириш» эълон қилиб, чорақда бериладиган мукофот пулларидан маҳрум қилган.

«Бухоросувмахсустаъмир» идораси, «Бухоро ипак» ҳиссадорлик жамияти маъмуриятлари ҳам меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини бузганларга нисбатан меҳнат қонунларига зид ҳолда, меҳнат қонунчилигида кўрсатилмаган интизомий жазо чоралари қўлланган. Бухоро вилоят электр тармоқлари ва шаҳар электр тармоқлари корхоналари маъмуриятлари меҳнат интизоми ва ички тартиб қоидаларини бузган ходимларга нисбатан интизомий жазо чораси сифатида мукофот пулларининг 100 фоизигача маҳрум қилишни одат қилган. Прокуратура бундай раҳбарларга тегишли тартибда қонуний чоралар кўришга мажбур бўлди.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини белгилайдиган ва уни ҳимоя қиладиган Конституциямиз ва қонунларимизга зид буйруқлар қабул қилинишига йўл қўймаслик - бу ҳуқуқий жамият тақозоси, давр талабидир. Интизомсизга чора кўрайлик, лекин қонун доирасидан четга чиқмаслик керак.

Фурқат МАҲМУДОВ,
Бухоро шаҳар Ф.Хўжаев туман прокурори, адлия маслаҳатчиси

Прокурор дала кезади

ЭСИ БОР ЭКИНИНИ АСРАЙДИ

Азалдан боғбонлар гурунгида шундай ақида юради: яшнаб турган токзор ичидан қўй ёки эчки оралаб ўтса, уни ейиш ёки пайҳон қилиш у ёқда турсин, боғдаги жами токлар таг-томиригача титраб-қақшаб, гўё яқинларидан ажраб қолган каби қирқ йил аза тутур экан. Довдарахт ёки экинга мол-холнинг оғзи тегса, ёғли бўлгани учун улар қуриши, «темир» туёқлари билан энди бўй чўзаётган майсани ер билан битта қилиб янчиб ташлаши аниқ. Президентимизнинг 1994 йил 21 ноябр «Экинларни пайҳон қилишга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони ва унинг ижросини таъминлашга қаратилган Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 январ «Экинларнинг пайҳон қилинишига қарши кураш самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарори амалиёт юзасидан Яккабоғ туман прокурори Илҳом ХОЛДОНОВ билан суҳбатлашдик.

- Эл ризқини асраб-авайлашга қаратилган ҳужжатлар моҳиятан барча учун қадрли. Қарор ижроси юзасидан назорат органлари масъуллиги нечоғли бўлса, ризқ-насиба яратаётган деҳқонлар учун ҳам, маҳалла-кўй фаоллари учун ҳам, эшигида мол-ҳол асраётган фуқаролар учун ҳам шунчалик мажбурият юкланади. Туман прокуратураси экинларнинг пайҳон қилинишига қарши назоратни мунтазам ва доимий амалга ошираётганлиги учун кўплаб нохушликларнинг вақтида олди олинмоқда. Прокуратура ходимлари ички ишлар идоралари вакиллари, маҳалла-кўй фаоллари билан ҳамкорликда текшириш ва рейдлар ўтказиб, бу ҳақда матбуот ва оммавий ахборот воситалари орқали ўз мулоҳазаларини билдирмоқда. Туман хўжаликлари 2000 йил ҳосили учун 17576 гектар майдонга ғалла уруғи сепган бўлиб, шундан 11436 гектари сувли, 6235 гектари лалми майдонларни ташкил этади. Шунингдек, 62 гектар сабзавот, 2000 гектар атрофида эски бедапоялар ҳам мавжуд. Текширишларимизда Амир Темур номли ширкат хўжалиги «Шамшар» участкасида кўплаб моллари қаровсиз қолдирилиб, бедапояларни пайҳон қилиб юрганини аниқладик. «Ўзбекистон» ширкат хўжалигининг Ғуржоб қишлоғи ғаллазорларида Атҳам Сувонов деган мактаб ўқувчиси эчкиларини ўтлатиб юриб, 10 сотих майдонни пайҳон қилганлигини, Имомёқуб қишлоғида Давлат Сафаров, Нажим Эшбобоев деганлар кўплаб шахсий паррандасини ғаллазорга қўйиб юборгани аниқланди. Ш.Рашидов номли хўжаликда бир гектар тут плантациясида «Шерози» деҳқон фермер хўжалиги раиси Бахтиёр Ҳайдаровнинг 6 бош йирик шохли моллари қаровсиз ҳолда тутзорни пайҳон қилаётганини учратдик.

К.Ашуров номли жамоа хўжалиги ғалла майдонларида Сафар Эшмуродовнинг 20 гектарлик ғалла майдонида ўзига тегишли 28 та қўй-эчкилар ўтлаб, пайҳон қилиб юргани фактига дуч келдик. Бу ерда 0,20 гектар ғалла пайҳон қилинган бўлиб, 10560 сўм зарар етказилган. Бу зарар Сафар Эшмуродовдан ихтиёрий тарзда ундириб олинди. Хўжалик раиси ва участка вакилига нисбатан интизомий жавобгарлик ҳақида иш қўзғатилди. Шунингдек, аниқланган бошқа ҳуқуқбузарликлар кўрилди. Зеро, халқимиз тилида яхши бир ибора бор: эси бор - экинини асрайди.

Ғози РАҲМОН суҳбатлашди

Суратда: Назоратчилар далада.

Судья минбари

ЎҒИРЛИК — ЮЗИ ҚАРОЛИК

ёки ҳалол билан ҳаромнинг фарқига бормай қолдикми?!

Бир ривоятда айтилишича, ҳомиладор аёл қўшнисидан, боғидаги анордан беришни сўраганида, нимадир бўлиб рад жавобини олган. Аммо бошқоронғулик дарди, аёлни қўшнининг боғидан бир дона анорни яширинча узиб олиб, уни игна билан тешиб, сувини ичишга мажбур этган.

Ой-куни тўлиб, аёл фарзандли бўлган. Бола ўн икки ёшга етганида маҳалласидаги йўлдан ўтувчи мешкопчи - сув ташиётган аёллар, болаларнинг мешини бигиз билан тешиб, безорилик ва зараркунандаликни одат қилади. Бу ҳол узоқ вақт давом этиб, эл-юрт олдида ҳижолатда қолган давлатманд ота кўп ўйланади:

- Нега шундай бўлди? Болам емоқ-ичмоқ, кийимкечакдан ками бўлмаса?! Нега бундай безори, дилозорлик қилаяпти?

Шунда боланинг онаси минг бор хижолатчилик билан ҳомиладорлик вақтида қилган қилмишини эрига сўзлаб беради. Ота ўша заҳотиёқ қўшнининг уйига чиқиб, ўша бир дона анорнинг ҳақини тўлаб, қўшнининг рози-ризолигини олади. Ҳалол луқманинг қудратини қарангки, боласи шу ондан бошлаб «ярамас қилиғи»ни бас қилади.

Ҳа, ана шундай ҳалолу покликни улуғлайдиган иймон-эътиқоди мустаҳкам халқмиз. Ахир, юқорида мазмуни келтирилган ривоятлар ҳам бекорга туғилмаган-да?!

Аммо кейинги пайтларда судьялик фаолиятимда ўғирлик билан боғлиқ жиноят ишларини кўриб, баъзида ҳайрон қоламан, ҳайратга тушаман. Ахир туяни ютиб, думини кўрсатмайман, деган ўғрилар қаердан пайдо бўлаяпти?

Мана бир мисол: туман судида «Олчазор» қишлоғида яшовчи Раҳимжон Йўлчиев, Умиджон Раҳмонов, Тоҳир Ҳайдаров, Абдусалом Турсунқулов, Бозорали Эгамовларнинг жиноят иши кўрилди. Бир қарашда уларнинг катта миқдордаги пахта ёғини ўғирлаб, сотиб, шу ҳисобдан тиричилик қилишгани, бола-чақа боққанлигига ишонгинг келмайди.

Афсуски, шундай. Улар собиқ «Бўстон» ширкатлар уюшмасининг марказий таъмирлаш устахонаси ҳудудидаги «Лаззат» умумий овқатланиш ширкатининг озиқ-овқат омборига «писиб» киришиб, бу ерда сақланаётган пахта ёғини ўғирлаб чиқиб, сотиш билан шуғулланишган. Бундай ҳол 1997 йилнинг декабр ойидан бошлаб, 1998 йилнинг январ, феврал, март, апрел ойларида муттасил давом этган.

Улар судланувчи Раҳимжон Йўлчиев етакчилигида 144 минг сўмлик пахта ёғини ўғирлаб, унинг ўғирлик эканлигини айтмасдан Иқболой Сатторова деган аёл орқали пуллаб юборишган. Апрел ойида бирваракайига 26 минг сўмлик пахта ёғини ўғирлаб чиқиб шундай пуллашган.

Бу ўғирлик онгли суратда, бу ерда ишловчи қоровулнинг шерикчилигида эшик, дераза тирқишларидан, резина шланга улаб тортиш орқали содир этилган.

Инсофсиз ўғрилар охири тумшуғидан илинди. Қонун олдида жавоб беришиб, қилмишларига яраша жазоларини олишди. Улар чиндан-да, бир марта йўлдан адашганмикинлар?! Афсуски...

Ўғирликнинг анатомияси ҳақида ўйлар эканман, бунинг замирида айрим кишиларда иймону эътиқоднинг сустлигига ҳайрон қоламан. Ахир, бундай ўғрилар на худодан қўрқади, на қонундан. Натижада улар суднинг қора курсисига етиб келишган. Албатта, қишлоқлардаги айрим хўжаликларда ишсизлик, иш ҳақини ўз вақтида бермаслик натижасида тақчиллик айрим кишиларни ўғирлик кўчасига киришига сабаб бўлаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Лекин шундай қийинчиликни рўкач қилиб, ўғирлик кўчасига кириш ҳам аслида ҳалол билан ҳаромнинг фарқига бормай қолган айрим нопок кимсаларнинг иймону эътиқоди сустлигидан деб биламан.

Мансурбек АБДУҲОЛИҚОВ,
Андижон вилояти, Балиқчи туман судининг раиси

ЎҚОТАР ҚУРОЛ-ЁДГОРЛИКМИ?

Ўқотар қурол... Бу сўз замирида катта ҳадик ва даҳшат яширингандек туюлади. Эҳтимол, оз бўлса-да, ҳаётда учраб турган нохушликларнинг сабабчиси бўлганлиги учун ҳам шундай туюлар.

Бултур ана шундай қуролларни тегишли рухсатсиз ўз уйида сақлаганлиги учун Музработ туман фуқароларидан 4 киши суднинг қора курсисига ўтирди. Улар Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 248-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилди. Қилмиши учун ҳар биридан энг кам маошнинг 5-10 баравари миқдорида, яъни 30-40 минг сўмдан жарима ундирилди. Хўш, улар кимлар?

Қурбонмуродов Абдусаид 1954 йилда туғилган, ўрта маълумотли, қарамоғида хотини, 5 нафар вояга етмаган фарзанди бор, 2-гуруҳ ногирони, ҳеч қаерда ишламайди.

Жабборов Мамараим 1965 йилда туғилган, ўрта маълумотли 3 нафар вояга етмаган фарзанди бор. «Янгиобод» жамоа хўжалиги 2-бўлимида ишчи.

Маматқулов Худойберди 1958 йилда туғилган, ўрта маълумотли, 5 нафар фарзанди бор. «Қўнғирот» жамоа хўжалигининг 5-бўлимида яшайди, кичик корхонада қоровул.

Чориев Аҳмад 1960 йилда туғилган, ўрта маълумотли, 5 нафар боласи бор. «Қўнғирот» жамоа хўжалигида ишчи.

Биз бу маълумотларни бекорга келтирмадик. Сабаби, сиртдан қараганда ҳар тўртталаси уйли-жойли, эслиҳушли, бола-чақали одамлар. Лекин уларни уйда қурол сақлашга нима мажбур қилди?

- Отам вафот этгач, ундан ёдгорлик бўлиб шу милтиқ қолди. Уни узоқ йиллар сақлаб келдим. Тегишли рухсатсиз қурол сақлаш жиноят эканлигини кейинроқ пайқадим. Бу ҳақда хабар беришга журъат қила олмадим. Иложи бўлса, мени кечиринглар, - дейди Абдусаид Қурбонмуродов судда.

- Милтиқ марҳум отамдан эсдалик бўлиб қолган, ишхонам қишлоқ четида бўлганлиги учун милтиқни ўзим билан олиб юрардим, - дейди Худойберди Маматқулов. - Ишдан қайтаётганимда орган ходимлари милтиғим билан қўлга туширди. Кўзим энди очилди.

Қолганлар ҳам деярли шу хил жавоб беришди. Тўғри, ёдгорлик ва эсдаликнинг тури кўп. Кимдир отасидан қолган белбоғни, бошқаси носқовоқни, пичоқни, учинчиси маҳси ёки бошқа буюмларини ёдгорлик сифатида эъзозлаб сақлайди. Бироқ... ўқотар қуролни ёдгорлик дейиш!? Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексида тегишли рухсатномасиз ўқотар қуролни сақлаб келиш, ўтказиш жиноят ҳисобланади. Эркин ҳуқуқий демократик, тинч ва осойишталик жамияти қурар эканмиз, буни билишимиз керак. Терроризм каби иллат оралаб юрган ҳозирги шароитда бу масалага енгилгина қараб бўлмайди. Балким...

Кавказликлар ва бошқа баъзи халқларда қилич, ханжар ёки ўқотар қуролни ёдгорлик сифатида сақлаш удуми бўлса бордир. Бироқ бизга бу одат андоза бўлмаслиги керак. Ҳали-ҳануз баъзи фуқароларимизда ҳушёрлик ва сезгирлик етишмаяпти. Фарғона, Наманган, Паркент... Тошкентдаги 16 феврал воқеалари, Янгиободдаги жангарилар хуружи сабоқ бўлиши лозим. Уйда ўқотар қурол сақлашнинг нохуш оқибатларини айтиб ўтириш шартми?!

Келажаги буюк Ўзбекистонимизда қонун устуворлигини таъминлашдек улуғ ишга даъват этилганмиз. Бунинг учун аввало қонунларни яхши билишимиз ва уни ҳурматлашга ўрганишимиз лозим.

Абдумўмин АБДУРАСУЛОВ,
Сурхондарё вилояти Музработ тумани, журналист

Бу ажиб дунё

УЙҚУЧИ ХУШТОР

Ҳозир нима кўп зерриканга ярмак кўп. Улардан бири ёлғиз эркак ва аёллар учун телефон орқали «Муҳаббат қозони»да сузиш имкониятидир.

Мароккодан Олмонияга келган 28 яшар Ал-Аббос меҳмонхонага жойлашиб олгач, стол устидаги китобни варақлаётиб, «телефон орқали секс» деган ёзувга кўзи тушади. Унда кўрсатилган рақамни териб, немис тилида гапираётган аёлни эшитади. Энсаси қотиб гўшакни улоқтиради ва ухлашга ётади. Эрталаб турса... столига жуда катта сммадаги хизмат ҳақи тўлови учун счетни қўйишади. Ё, алҳазар! Суриштириб кўришса, телефон гўшаги жойига тушмаган бўлиб, «нарёқ»даги телефон орқали муҳаббатни амалга оширувчи аёл тонгтача бўш гўшакка валақлаган, пишиллаган «оҳ-вуҳ» тортган экан.

Ҳозирча иш кимнинг фойдасига ҳал бўлиши судда кўриб чиқилаётганмиш. Қизиғи шундаки, даъво қилинаётган суммага марокколик бир тунда ўнтагача «тирик секс»ни чақириши мумкин экан.

«Уйқу-ғафлат» деб шуни айтишса керак-да!

ОАВ хабарларидан Шерзод ҚИЛИЧЕВ тўплади

Табиат ва биз



КОИНОТ ГУЛТОЖИ ИНСОНДИР АЗАЛ

Ҳозирги кунда атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсини авайлаб-асраш борасида жойларда амалга оширилаётган ишлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Буни биргина Жиззах вилояти мисолида кўриб ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин. Шу мақсадда Жиззах вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси муовини, ёш истеъдодли эколог Холтўра СУВОНОВ билан суҳбатлашдик.

- Холтўра Адилбоевич, марҳамат қилиб, ўзингиз ва жамоангиз фаолияти ҳақида икки оғиз изоҳ бериб ўтсангиз.

- Менинг касбим ирригатор. 9 йилдан бери шу масканда ишлаб катта-ю кичикнинг ҳурмат-эътиборини қозонишга ҳаракат қилиб келаяпман. 1997 йили мени малака ошириш мақсадида Жанубий Қуриягa юборишган эди. Мен қуриялик дўстларимдан кўп нарсаларни ўрганиб келдим. Одамларнинг табиатга бўлган муносабатлари мени бутунлай ром этди. Ўша пайтда орттирган тажриба ва билимларим ҳозирги кунда олиб бораётган ишларимда жуда кўл келмоқда.

Тўғрисини айтсам, жамоамиз яқин-яқингача гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа кўчиб қийналиб келарди. Юқоридаги раҳбарлар бу аҳволни тўғри тушуниб, бизга алоҳида бино беришди. Ҳозир ишлаш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бу ғамхўрликдан беҳад руҳланиб кетдик. Ўз устимизда қаттиқ ишлаяпмиз. Куни кеча бир ташландиқ бинони ўз ихтиёримизга олдик. Худо хоҳласа, уни қайтадан таъмирлаб, табиат музейи очмоқчимиз. Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд.

Биз биринчилардан бўлиб амалга ошираётган ишларимизни рейтинг усулида баҳолашни жорий қилган эдик. Яқинда вилоятимизга ташриф буюрган Республика табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси раиси Асҳад Ҳабибуллаев бу ташаббусимизни қўллаб-қувватлаб, уни республика миқёсида кенг оммалаштиражакларини маълум қилдилар.

- Табиатни муҳофаза қилиш борасидаги тадбирларни амалга ошириш учун ажратилган маблағлардан қандай фойдаланилмоқда?

- Ўтган давр ичида табиатни муҳофаза қилиш борасидаги тадбирлар учун кўзда тутилган 397,6 млн. ўрнига 401,4 млн. сўм сарфланди. Ер ресурсларини муҳофаза қилишга ажратилган маблағ ҳисобига 50266 гектар майдондаги ерларнинг миллиоратив ҳолати яхшиланди. 2600 гектар суғориш тармоқларини қайта таъмирлаш ишлари олиб борилди. 2,0 километр узунликдаги канал бетонлаштирилди.

- Табиатни муҳофаза қилиш жамғармасига тушаётган тушумлар ҳақида нималар дея оласиз?

- Жамғармамиз ҳисобига келиб тушган жами 8,0 млн. сўм маблағнинг 6,5 млн.и тўловлар, 991 мингини жарималар ва 500 минг сўмини даъволардан ундирилган пуллар ташкил қилади. Бу маблағларнинг 620 минг сўми жамғарма низомига кўра республика табиатни муҳофаза қилиш жамғармасига ўтказилди, 4,6 млн. сўми қўмита моддий техника базасини яратиш ва биноларни таъмирлашга, қолган қисми эса илмий тадқиқот ишларини олиб боришга, ходимларни моддий рағбатлантиришга сарфланди.

- «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун талабларини бузган ташкилот ва шахсларга нисбатан қандай кескин чоралар кўрилмоқда?

- Қонун ҳамма учун баробар. Ифлос оқава сувларини чиқариб ташлаганлиги учун Кўйтош кони цехлари душхоналари ёпиб қўйилди. Вилоятдаги 10 та банк томонидан экологик экспертиза хулосасисиз молиялаштирилган 17 та объектнинг иш фаолияти тўхтатилган. Рухсатсиз қудуқ қазигани ва сувдан фойдалангани учун «Оби ҳаёт» корхонаси 432-механизациялашган кўчма жамламаси Жиззах-Бекобод «Карбонат» қўшма корхоналари қудуқлари қопқоқлари маълум муддатга ёпиб қўйилди.

Вилоят ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш инспекцияси давлат назоратчилари олиб борган тадбирларга кўра 4 нафар овчилик, 32 нафар балиқчилик, 192 нафар ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш талабларини бузган шахслар аниқланган. Айбдорларга маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс моддалари бўйича 360480 сўм миқдорида жарима солинган. Шундан 213160 сўми ундириб олинган. Қолган 147320 сўмини ундириш учун тегишли ҳужжатлар суд идораларига юборилган.

- Суҳбатимиз сўнггида сиз яна нималарни алоҳида таъкидлаб ўтишни хоҳлардингиз?

- Шуни айтмоқчиманки, махсус таҳлилий назорат инспекцияси ва геология ташкилотлари билан ҳамкорликда вилоятимиздаги мавжуд ер ости сув заҳиралари, очиқ сув ҳавзаларидаги сув сифат ўзгариши ва оқава сув тозалаш иншоот самарадорлиги кимёвий таҳлиллар орқали доимий назорат қилиб борилмоқда.

Биринчи навбатда ер ости сувлари ҳосил бўлиш жойлари аниқланди. Улар тоифаларга ажратилиб, заҳиралари тўла-тўкис ўрганиб чиқилди. Олиб борилган иш натижаларига кўра вилоятимизда 4 та республика, 2 та вилоят аҳамиятига эга ер ости сув ҳавзалари хариталарга туширилиб, уларнинг чегаралари белгиланди. Ҳозир мазкур жойларга алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудуд мақомини бериш борасида иш олиб борилмоқда.

Яна бир нарсани таъкидлаб ўтишни истардим. Она табиатга биз «Коинот гултожи» бўлмиш инсонлар қандай муносабатда бўлсак, шунга яраша саховат кўришимиз табиий.

- Холтўра Адилбоевич, даҳлиздаги кутловлар тахтасига кўзим тушди. Эртага туғилган кунингиз экан. Шу муносабат билан сизни ўз номимдан, «Инсон ва қонун» ижодкорлари ва ўқувчилари номидан қутлашга изн бергайсиз. Сизга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, ишларингизда каттадан-катта муваффақиятлар тилайман.

- Раҳмат.

Суҳбатдош: Нурмамат АЛМУРОДОВ, «Инсон ва қонун» мухбири

Суратда:

(ўртада) вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси муовини Ҳ.Сувонов назоратчилар - Нуриддин Қувондиқов, Бахтиёр Чилбоев, Абдураззоқ Тойлоқов, Илҳом Сафаровлар билан суҳбатда.

Муаллиф олган сурат

Бизнинг суҳбат

БОЖХОНА ХОДИМИ БЎЛИШ ОСОНМИ?!

(Боши 1-бетда)

Ватанимиз чегараларини мустаҳкамлаш, шахсий таркибнинг жанговар тайёргарлигини ошириш борасидаги тадбирлар фаол давом эттирилмоқда. Божхона тизими республикамизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари сингари халқимиз фаровонлиги, осойишталиги, давлатимиз иқтисоди, дахлсизлигининг ишончли ва фаол ҳимоячисига айланди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда божхона иши дунёдаги барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли, ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида эътироф этилмоқда. Божхона хизматининг нуфузи, обрў-эътибори кундан-кунга ортиб бормоқда.

Минглаб божхоначиларнинг кечани кеча, кундузни кундуз демай, амалга ошираётган қаҳрамонона меҳнатларининг самаралари ҳақида гапиришдан аввал Ватанимизнинг ҳар бир қарич ерини, табиий бойликларини кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, киндик қони тўкилган она юртни севиб, қадрлаш ҳар бир фуқаронинг, шу жумладан, ўз сафларида минглаб ана шундай фидойи ходимларни бирлаштирган Давлат божхона қўмитаси шахсий таркибининг ҳам олий мақсадлари эканлигини таъкидламоқчиман.

Президентимиз Ватан - саждагоҳ каби муқаддасдир, деб алоҳида уқтирадилар. Бинобарин, мамлакатимиз чегара сарҳадларида унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, четдан қурол-яроқ, ўқ-дори ва наркотик моддалар ҳамда республика мустақиллигига раҳна солувчи турли адабиётларнинг кириб келиши, шунингдек, халқимиз ризқ-рўзи, кундалик эҳтиёж молларининг айрим нопок кимсалар томонидан четга ноқонуний ташилишининг олдини олиш, ички бозорни муҳофаза қилиш божхона органлари ходимларининг асосий бурчи ва вазифасидир.

Божхоначиларимиз мустақил Ватанимиз тараққиётига, иқтисодий юксалишига, бутун дунё давлатлари ўртасидаги обрў-эътиборининг ортишига фидойи меҳнатлари билан ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Ўтган 1999 йилда давлат бюджетига 42 миллиарддан ортиқ сўм маблағ ўтказилган бўлса, республика йўл фондининг ўзига 4,3 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ўтказилди.

Божхоначиларимиз томонидан 2 миллиард сўмга яқин товар-моддий бойликлар, шу жумладан, 785 тонна озиқ-овқат маҳсулотлари (71,1 тонна шакар, 180 тонна буғдой, 148 тоннадан зиёдроқ ун, 74 тонна гуруч, 45 тоннага яқин ўсимлик ёғи ва ҳоказо) 370 тоннадан зиёдроқ рангли металлар, 405 минг литрга яқин нефт маҳсулотлари, 38 минг литрга яқин алкогол, 304 минг пачкага яқин тамаки, 1000 бошдан ортиқ чорва моллари, 2 мингдан ортиқ паррандалар, 24 минг донага яқин хўжалик совуни ва бошқа турдаги товар-моддий бойликларни республикамиз божхона чегараларидан ноқонуний олиб ўтилишининг олди олиниб, 800 миллион сўмдан зиёд товарлар давлат фойдасига мусодара қилинган.

Республика божхона чегараларидан контрабанда йўли билан олиб ўтилаётган 3 тоннага яқин гиёҳвандлик моддалари, 42 минг дона экстремистик мазмундаги адабиётлар ва аудио-видео кассеталар, 2 мингга яқин ўқотар қурол ва ўқ-дорилар, 192 килограммга яқин порох, 105 дона портловчи моддалар, 12 килограммга яқин соф олтин, 70 килограммга яқин дур, 64 дона қадимий тангалар, 569 мингга яқин АҚШ доллари ва бошқа маданий-тарихий аҳамиятга эга бўлган буюмлар ушлаб қолинди.

Бундан ташқари, Тошкент вилояти «Ғиштқўприк» божхона пости ходимларининг хушёрлиги билан Қозоғистон ҳудудидан Ўзбекистон ҳудудига ўтиб келмоқчи бўлган бир гуруҳ шубҳали шахслар тўхтатилди. Текширишда улар ёнидан Чимкент банкидан ўғирланган кўп миқдорда бир неча давлат банкнотлари чиқди. Ходимларимиз халқаро ҳамкорлик қоидаларига қатъий амал қилиб, бу қонунбузарларни Қозоғистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларига топширишиб, яна бир жиноятнинг очилишига кўмаклашдилар.

Божхона - нафақат мамлакат иқтисодий хавфсизлигини, балки давлат чегарасида туриб, халқимизнинг тинчлигини ҳам таъминловчи органдир. Шу маънода шахсий таркибимизнинг жанговар тайёргарлигини ошириш, ҳар бир ходимнинг ҳуқуқий онгини шакллантиришни қўмитамизнинг ва барча раҳбар бўғиннинг долзарб вазифаси қилиб қўйганмиз.

Ўтган йили куз ойларида Қирғизистоннинг жанубига, хусусан, Боткен туманига бир гуруҳ ватанфурушларнинг суқилиб кириб, Фарғона водийсига ўтиш ҳаракатида турли хунрезликларни амалга оширганини ҳали ҳеч ким унутгани йўқ. Божхоначиларимиз ана шундай шароитда мудофаа, ички ишлар, хавфсизликни таъминлаш ва бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари билан бир сафда туриб, хоинларни эгаллаб турган ҳудуддан сиқиб чиқариш билан боғлиқ барча тадбирларда фидойилик кўрсатишди.

Божхоначиларимиз сафи хизматда намуна, халқимиз бойлигини асраш йўлида жиноятчилар билан муросасиз курашаётган ана шундай юртпарвар ходимларимиз билан кенгайиб бормоқда. Жумладан, Ашур Донаев, Баҳром Шоҳимардонов, Баҳром Махмадиев, Мирзабек Бекжонов, Бекмурод Қодиров, Жўра Бекматов, Салим Ашуралиев, Абдунаби Умаров каби ходимларимиз Республика Президентининг Фармони билан «Жасорат» ва «Шуҳрат» медалларини олиш бахтига муяссар бўлдилар.

Шу ўринда ўз хизмат вазифасини бажара туриб, қаҳрамонларча ҳалок бўлган Сурхондарё вилояти 8-сонли «Оқтош» божхона маскани инспектори, божхона хизмати лейтенанти Ботир Давлатовни, 6-сонли «Гулбаҳор» божхона маскани инспектори, божхона хизмати сержанти Равшан Қодировни, 2-сонли Сариосиё божхона назоратини ўтказиш комплексининг «Чақар» божхона пункти катта инспектори, божхона хизмати катта лейтенанти Тўхтамиш Холлиевни, Фарғона вилояти 2-сонли Қўқон божхона маскани инспектори, божхона хизмати старшинаси Қўлдошали Рўзибоевни, Наманган вилояти 4-сонли «Учқўрғон» божхона маскани кичик инспектори, божхона хизмати катта сержанти Бурҳон Қўчқоровни, Тошкент вилояти 15-сонли «Майский» божхона маскани кичик инспектори, божхона хизмати старшинаси Саидакбар Нажимовлар хотирасини ёдга олсак диёнатдан бўлади.

2000 йил Президентимиз ташаббуси билан «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинди. Республикамизнинг нурли келажагини яратувчи навқирон авлодни жисмонан бақувват қилиб тарбиялаш, уларга эркин яшаб, билим олишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш ишига намунали хизматимиз билан жавоб бермоғимиз лозим.

- Саидазим ака, гап кадрлар масаласига келиб тақалди. Кадрларни танлаш, тарбиялаш, ўқитиш ва қайта ўқитиш, шунингдек, уларни жой-жойига қўйиш хусусида ҳам гапириб берсангиз.

- Президентимиз Олий Мажлиснинг биринчи сессияси иккинчи йиғилишида сўзлаган нутқларида «Ҳаёт тез суръатлар билан давом этмоқда, унинг талаблари кескин ўсмоқда. Замоннинг бундай шиддатига чидаш давр талаблари олдида заиф бўлмасдан, юрти учун, Ватани учун ўзини аямай меҳнат қиладиган фидойи инсонларгина бугун бу ҳаёт тўфонларига, ҳаёт синовларига бардош бера олиши мумкин» дедилар.

Дарҳақиқат, шундай. Олдимизда шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин шахсни шакллантириш вазифаси турибди. Божхона ходимларининг юқори даражадаги савияга эга бўлишлари, Ватан, мамлакат, халқ мафаатларини муқаддас билиб, даврнинг илғор фикрли, миллий истиқлол ғояларига, Ватан олдидаги юксак фарзандлик бурчига содиқ, комил инсон бўлиб етишишларига руҳий тайёргарлик машғулотларини, маънавий ва маърифий билимларни ҳар бир ходим онгига доимий сингдириб бориш билан эришмоқ мумкин. Бу соҳадаги энг асосий вазифамиз мустақиллик йилларида бошлаган эзгу ишларимизни изчиллик билан давом эттириш, уларни янги босқичга кўтариш ва таъсирчанлигини кучайтиришдан иборатдир.

Лекин турли қараш ва фикрга эга бўлган ижтимоий қатламлар, сиёсий куч ва ҳаракатларнинг ўзига хос мақсадларини уйғунлаштирувчи ғоя — юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ манфаати — барчамиз учун бирдек муқаддас бўлиши шарт. Бунинг учун асосий эътиборни божхона идоралари иш фаолияти ва услубини янада такомиллашириш, унинг фаолиятини кучайтириш мақсадида жорий йилда сифатли меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва божхона амалиётини такомиллаштира бориш — бунда ҳар бир иқтидорли божхона ходими иштирокини таъминлашга эришишдек муҳим вазифага қаратмоқдамиз.

Шу мақсадда ишлаб турган ўқув марказимизда 1999 йил ходимларимиздан 600 нафари бошланғич тайёргарликдан ўтди, 100 нафари малака оширди. 5 марта халқаро семинар ташкил этилди. 70 нафардан ортиқ деклорант тайёрланди. 750 нафар номзод тест синовларидан ўтказилди. 70 нафардан ортиғи Иқтисод Университетида иккинчи мутахассислик бўйича таълим олмоқда.

Ёш кадрларни тайёрлаш, ишлаб турган ходимларнинг малакасини ошириш учун Ўқув марказимиз ва Божхона коллежимизда олиб борилаётган машғулотларда «деклорациялаш, жойларда божхона назоратини ташкил қилиш», «бож тўловларини йиғиш, бож қиймати миқдори, бож қийматини аниқлаш», «контрабандага, қурол, ўқ-дори ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига, божхона қонунчилигини бузишга ва юкларни қонунсиз ташишга қарши курашишнинг янги услубларини ўрганиш муаммолари чуқур ўқитилмоқда».

Айниқса тингловчилар Божхона кодексини, Президент Фармонларини ва ҳукумат қарорларини ўрганиш билан бир қаторда божхона ишига тааллуқли протоколлар тузиш,



суриштирув ўтказиш каби соҳаларни ҳам мукаммал ўрганмоқдалар.

Бундан ташқари, божхоначилар «компьютерлаштириш ва божхона статистикасини олиб бориш» усулларини ҳам ўқимоқдалар. Илгари тингловчиларга компьютерда ишлашни ўзимиз ўргатган бўлсак, ҳозир хизматга қабул қилинувчилардан компьютерни яхши билиши, шу билан бир қаторда чет тилларидан бирида гаплаша олиши ҳам талаб қилинмоқда.

Тингловчилар ҳузурида халқаро семинарлар ташкил этилди. Бу семинарларнинг бирида давлат чегаралари хавфсизлигини таъминлаш, контрабандага қарши кураш, ноқонуний олиб ўтилаётган ядро ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролларини ҳамда унинг компонентларини аниқлайдиган янги қурилмалардан фойдаланиш муаммолари ўрганилди. Семинарни Америка мутахассислари олиб боришди.

Семинарда давлат чегаралари ва божхона постларида, аэропорт, автовокзал, турнақатор юк машиналари ўтадиган жойларда юклар ва йўловчиларни кўрикдан ўтказадиган Давлат божхона қўмитаси ходимлари ана шу юқори технологияли жиҳозлар билан ишлаш сирларини ўргандилар. Семинарларнинг бири наркотик моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш ва уларни контенейрларда текшириш технологиясини ўрганишда ўзаро ҳамкорлик қилиш масалаларига бағишланди. Бу семинарни Германия Республикасининг божхона хизмати ва жиноятчиликка қарши кураш полицияси экспертлари олиб боришди.

Божхоначиларимизнинг шахсий таркиби ўртасида қонунбузарликка, порахўрликка ва таъмагирликка қарши кураш янада кучайтирилди. Бундай иллатга дучор бўлганларга дарҳол тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда, божхоначилар сафидан чиқарилмоқда ва айбларига яраша қонуний жазоланмоқдалар.

Бугунги кунда ёш кадрларни тайёрлашга катта эътибор қаратилаётир. 1998 йил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ ҳамда божхона органларини юқори малакали, чуқур билимларга эга бўлган кадрлар билан таъминлаш мақсадида Давлат божхона қўмитасининг Божхона коллежи ташкил этилди. Ҳозир бу даргоҳда 300 нафарга яқин ўғил-қиз таълим олмоқда.

Божхона коллежини тамомлаган курсантларга ўқиш вақти божхона органларидаги хизмат стажига қўшилади. Қуролли кучлар сафида хизмат қилмаганларга эса ҳақиқий хизмат муддатига қўшилади. Коллеж битирувчиларига «Божхона хизмати лейтенанти» махсус унвони берилади. Курсантларда касб майилларини, малака ва кўникмаларни ривожлантириш, улар божхона иши мутахассисликларини чуқур ўзлаштиришлари учун етарли аудиториялар, компьютер синфлари, ўқув анжомлари, лабораториялар, кутубхона фондлари ва замонавий техника воситалари ажратилган.

Коллеж курсантларига махсус танлов асосида хизматга қабул қилинган профессор-ўқитувчилар, фан докторлари, фан номзодлари ва юқор малакали амалиёт ходимлари сабоқ бермоқдалар. Курсантлар ижтимоий-гуманитар, ҳуқуқий ва божхона ишига оид махсус фанлардан, ҳарбий хизмат тайёргарлигидан ҳамда бозор иқтисодиёти асослари, божхона ҳуқуқи, божхона назорати ва статистикаси, божхона органларининг тезкор қидирув фаолияти, хорижий мамлакатларнинг божхона органлари ва бошқа бир қатор махсус фанлардан чуқур назарий ва амалий билим олмоқдалар.

Курсантларнинг қобилиятлари даражасини кўтариш мақсадида автомобил тайёргарлиги ва уларга ҳайдовчилик гувоҳномаларини бериш ташкиллаштирилган. Божхона коллежида таълим олувчилар шинам ётоқхоналар, кийим-кечак, уч маҳал иссиқ овқат билан бепул таъминланганлар. Бундан ташқари курсантлар ўқиш даражаси ҳисобга олиб белгиланадиган стипендия ҳам оладилар.

- Президентимизнинг 1999 йил мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2000 йилда иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган нутқларидан келиб чиқиб, божхона идоралари олдида турган муҳим вазифалар нималардан иборат деб биласиз?

- Ўзбекистонда ислоҳотларни чуқурлаштириш ўзининг янги босқичига кирди. Агар ўтган 8 йил давомида Президентимиз томонидан белгилаб берилган 5 тамойил асосида амалга оширилган ислоҳотлар кўлами ниҳоятда катталигига эътибор берсак, бу сессияда сўзлаган нутқларида таъкидланган 7 асосий йўналишда ҳам амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларнинг нақадар улкан эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган дастурий вазифаларни амалга ошириш мақсадида қўмитамиз ҳам 2000 йил ва ундан кейинги даврларга мўлжалланган тадбирлар дастури устида иш олиб бормоқда. Бу дастурда қайси йўналишларда кучли амалий тадбирлар ва қайси йўналишларда амалга ошириш мумкин бўлган муваққат вазифалар мажмуаси акс этиши лозим.

Биринчидан, иқтисодиётни эркинлаштиришга, хусусий бизнесни рағбатлантиришга, иқтисодий фаолиятнинг бозорга хос механизмларига кўпроқ эркинлик беришга қаратилган ҳуқуқий замин яратишни таъминловчи божхона сиёсатини ишлаб чиқишга, уни ҳукумат доирасида доимо уйғунлаштириш мумкин бўлган пишиқ-пухта меъёрий асослар яратиш; мамлакат ишлаб чиқарувчисини ҳимоялаш ва рағбатлантиришга қаратилган божхона назорати услубиятини такомиллаштириш; божхона қийматини тўғри аниқлашда янада ҳаққонийликка эришиш зарур.

Президентимиз ўз маърузаларида иқтисодиётни эркинлаштиришдаги бош вазифа энг аввало, давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик вазифаларини — функцияларини қисқартириш, унинг корхоналар ва хўжалик фаолиятига аралашувини чеклашдан иборат деб таъкидладилар. Шунинг учун божхона фаолияти доирасида хусусий бизнесга, иқтисодий фаолиятнинг бозорга хос механизмларига кўпроқ эркинлик бериш ва тегишли ҳуқуқий замин, ташкилий, иқтисодий шарт-шароит ва кафолатларни яратишимиз керак.

Ўзбекистон — хусусий мулкнинг миқёси ва улуши узлуксиз ўсиб борадиган кўп укладли иқтисодиётни ривожлантириш тарафдори. Дунё тажрибаси шундан далолат берадики, жамиятда том маънодаги мулкдорлар синфининг кўпчиликни ташкил этиши ижтимоий ҳаётдаги барқарорлик ва фаровонликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади. Бу муаммонинг қишлоқ хўжалик соҳасида ечилиши, яъни деҳқоннинг ерга, мулкка, ўзи ишлаб чиқарадиган маҳсулотга эгалик ҳиссиётини қарор топтириш борасида ҳам божхоначиларимиз фаоллик кўрсатишлари лозим. Давлат божхона қўмитаси ходимлари тадбиркорларга, ташаббускорларга, ишбилармонларга ҳар томонлама ёрдам бериш, кўмаклашиш учун тайёрдирлар. Бу масалани куни кеча бир гуруҳ тадбиркорлар билан бўлиб ўтган семинар учрашувимизда ҳам алоҳида таъкидладик.

Иккинчидан, ҳукумат бош ислоҳотчи ва йўналтирувчи бўлганлиги учун мамлакатимизда бизнес билан шуғулланишга интилганларни рағбатлантиришга, яъни чет эл инвестицияси Ўзбекистон бозорига эркин кириб келишига қулай имконият яратувчи божхона хизматига дахлдор ҳужжатлар лойиҳаларини тақдим этиши керак. Шу мақсадда биз ҳозир деклорантлар билан ишлашни янада яхшилаш, уларнинг малакасини ошириш, масъулиятини кучайтириш, божхона омборлари фаолиятини жаҳон андозаларига мослаштириш, божхона расмийлаштирувларини соддалаштириш, тезлаштириш учун божхона қиймати бўйича база яратиш устида иш олиб бормоқдамиз.

Божхонани фақат қонун бузганларни аниқловчи идорагина эмас, балки ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига қонун доирасида ёрдам берувчи ташкилотга айлантириш даркор.

Учинчидан, демократик ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш, маънавий тараққиётга эришиш, шунингдек, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлигини кучайтиришнинг асосий шарти ва гарови — мамлакатимизнинг хавфсизлигини таъминлаш, жамиятимизда тинчлик, барқарорлик, миллатлар ва фуқаролар ўртасида тотувликни сақлаш билан бир қаторда хорижий мамлакатларнинг божхоначилари билан ўзаро ҳамкорлик ва мустаҳкам алоқаларни кучайтириш лозим.

Ўзбекистоннинг бутун жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишини таъминлаш мақсадида амалдаги божхона фаолиятига оид қонун ва меъёрий ҳужжатларни халқаро ҳуқуқ нормалари талабларига мувофиқлаштириш йўли билан инвесторлар ва ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари учун қулай ҳуқуқий шароит яратиш керак.

Тўртинчидан, қўмитамиз хориж тажрибасини ўрганган ҳолда Ўзбекистоннинг экспорт потенциалини ошириш ва уни моддий рағбатлантиришга йўналтирилган чораларни белгиловчи ҳужжатлар ишлаб чиқиб, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари ва инвесторларга сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида божхонаолди ва божхона инфраструктурасини янада ривожлантиради. Божхона омборлари, божхона брокерлари ва божхона юк ташувчилари тизимларини яратиш ва такомиллаштириш йўли билан халқимизни қўшимча иш жойлари, даромад манбалари, республикамизни эса қўшимча валюта тушумлари билан таъминлаш мумкин бўлади.

Бешинчидан, экспорт операцияларидан тушиши лозим бўлган тўловлар, мажбурий валюта тушумларининг тўла ва ўз муддатида тушишини таъминлаш жоиз. Ташқи савдо операцияси ниқоби остида ноқонуний йўл билан валюта бойликларини ўзлаштириш йўлларига тўсиқ қўйиш божхона органларига бевосита валютани назорат қилиш органи сифатидаги мавқеини ошириш керак. Ҳуқуқ-тартибот идораларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлашга қаратилган мезонлар, таклифлар ишлаб чиқиб, бу тузилмаларнинг тайёргарлигини кучайтириш ва чегара қўшинлари ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорлигини таъминлашимиз зарур.

Жиноятчиликка, экстремизм ва жаҳолатнинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашда, умумий хонадонимиздаги тинчлик ва осойишталикни асраш йўлида божхона ходимлари фаоллигини оширамиз. Шунингдек, божхона тизимида тезкор қидирув соҳаси фаолиятини тубдан яхшилаймиз.

Олтинчидан, албатта доимий равишда кадрлар тайёрлаш, танлаш, жой-жойига қўйиш, малакасини ошириш, жанговарлик ва сафарбарлик тайёргарлигини кучайтириш, шахсий таркиб ўртасида қонунбузарлик, порахўрлик ва таъмагирликка қарши кураш кучайтирилади. Божхона органлари ходимлари малакасини халқаро стандартларга мослаштиришга эришиш лозим.

Шунингдек, халққа зарар келтирадиган импортдан ички бозоримизни ҳимоя қилишимиз, ҳар жиҳатдан қонун устуворлигига эришишимиз даркор. Давлатимиз чегаралари дахлсизлигига ва халқимиз ризқу насибасига кўз олайтирадиган, мамлакатимиз товар-моддий бойликларини ташиб кетишга ва Божхона қонун-қоидалари, тартиб-интизомини бузишга уринган ҳар қандай кимсага қақшатқич зарба бериш ҳар бир божхоначининг муқаддас бурчи бўлиб қолаверади.

Суҳбатдош:
Саҳобиддин СИРОЖИДДИНОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Огоҳликка даъват

ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ - ХАВФЛИ ИЛЛАТ

Диний экстремизм иллати жаҳон жамоатчилигини қаттиқ ташвишга солаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ўган йил мобайнида мамлакатимизда қатор давлатлар билан ҳамкорликда ўтказилган шу мавзудаги анжуманлар Жаҳон ҳамжамияти томонидан хайрихоҳлик билан қабул қилинди.

Яқинда Тошкент Давлат юридик институтида «Диний экстремизм ва терроризмнинг ижтимоий хавфлилиги ва унинг ҳуқуқий оқибатлари» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Семинарнинг асосий негизида мамлакатимиздаги барқарор тинчлик, истиқлол берган неъмат - ҳурлик, бахт, фаровон турмушимиз илдизига болта урмоқчи бўлаётган диний экстремистик кучлар домига тушиб қолаётган ёшлар қисмати, ҳуқуқ-тартибот органларининг кенг жамоатчилик ёрдамида бундай манқуртларга қарши олиб борилаётган кураши одамларни ҳушёрликка чорлаш эди.

Семинарда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Рихситилла Акрамов, Ўзбекистон Республикаси Транспорт прокурори Қобилжон Қирғизалиев, Тошкент шаҳар прокурори ёрдамчиси Эркин Абзалов ва шаҳар, Юнусобод туман ҳуқуқ-тартибот органлари ҳамда диний идора масъул ходимлари иштирок этдилар. Шунингдек, Тошкент Архитектура қурилиш институтида ҳам шу мавзуда анжуман бўлиб ўтди.

- Бундай амалий учрашув ва очиқ мулоқотлар натижаси ўлароқ, ёшларимизнинг тўғри йўлдан оғишмай, нурли келажак сари шаҳдам қадам ташлашлари учун дастурилламал бўлади, - дея эътироф этди шу институт проректори Р.Юсупов.

Ҳар икки анжуман сўнгида бўлиб ўтган савол-жавоблар иштирокчиларда, айниқса, талаба-ёшларда катта таассурот қолдирди.

Ортиқбой
ХУДОЙБЕРДИЕВ

Прокурор минбари

"ТАКСИ" операцияси

ёки "Вицин"нинг янги саргузаштлари

Инсон ҳаётда бир бор адашгач, яна тўғри йўлга қайтиши учун мустаҳкам ирода керак. Агар қилган хатосидан тўғри хулоса қилмаса, ёмонлик ботқоғидан бир умр чиқа олмайди. Айниқса, «бели оғримай» пул топишга ўрганганлар ҳар қандай қабиҳликлардан қайтмайди.

Лақаби «Вицин» бўлган Виктор исмли йигит ҳам яхши еб, яхши кийиш учун маишату майхоналарга кўп пул кераклигини жуда пухта билган, бу борада унинг ҳисоб-китоби аниқ. Унга «лақма» шериклар бўлса бўлди, пул топиш ҳам унга қийин эмас. У шу мақсадда эски танишларидан бири Вон Альберт деган йигитнинг олдига борди. Қараса, танишининг уйида унинг узоқ қариндоши Цой Владимир ҳам ўтирибди. Салом-аликдан сўнг «Вицин» таниши Альбертдан қарзга пул сўради. Узи ҳам пулга зор бўлиб юрган таниши елкасини қисди. Шу жойда пул топишнинг осон йўли «пишитилди». Ҳаммага қилинадиган вазифалари бўлиб берилди. Режанинг амалга ошиши учун енгил автомашина зарурлигини тушунишиб, меҳмонга қарашди. Меҳмон Цой Владимир уларни йўлдан қайтариш ўрнига қариндоши Ким Андрейнинг уйига бошлаб келди. Пул топиш пайига тушиб, дарров бириккан жиноий тўда Тошкент шаҳрининг «Тезиков» бозорига йўл олишади. Туманимиздаги «Қорасув» жамоа хўжалигининг чекка далаларидан бирида Цой Владимир ва Вон Альберт тушиб қолишади. Улар режага кўра «ўлжа»ни шу ерда кутиб оладиган бўлишди. Бозорга кириб келган «Вицин» ва Ким Андрей арзонроқ товар сотиб олишни хоҳлаган харидорларни қидира бошлашди. Уларга Самарқанддан келиб савдо-сотиқ қилаётган Зоир Суюндиқов рўпара бўлди. «Вицин» унга бор-йўғи 50.000 сўмга пайвандлаш аппарати борлигини, агар рози бўлса уйидан олиб келиб беришини ҳам қистириб ўтди. Бу товар бозорда камида 80.000 сўмга кетишини каллада бирпасда ҳисоблаб чиққан харидор шерикларидан дарров қарз ҳавола кўтариб, салкам 70.000 сўмни чўнтакка солиб олди. Олдиндан келишилган режага мувофиқ «Вицин» «таксичи» қиёфасида ўтирган шериги Ким Андрейга бир жойга обориб-келишни илтимос қилди ва бунинг учун 3000 сўм пул беришини айтди. «Таксичи» рози бўлди ва улар алданган харидорни ўтирғизиб белгиланган манзилга олиб кетишди. Катта йўлдан чекка далага бурилган машина харидорнинг кўнглига ғулғула солди, аммо кеч эди. Далада кутиб турган Альберт ва Владимир харидор З.Суюндиқовни калтаклаб, пулини тортиб олишди.

Ашаддий жиноятчи «Вицин» «таксичи» Ким Андрейнинг ҳам бўйнига ёлғондакам арқон солиб, қўлидаги узугини тортиб олади. Уни ҳам номига туртиб, уриб жуфтакни ростлашади.

Олди-берди ишлари шу билан авж олиб кетади, лекин... юқорида таъкидлаганимиздек, эгри йўлнинг давоми қисқариб, оператив текшириш туфайли ҳар иккала «олди-берди»чи қўлга олинди.

Ўзини «жабрланувчи» қилиб кўрсатган Ким Андрей харидорни яна бозорга элитиб қўйишни бўйнига олади. ДАН постида эса жабрланувчи бўлган воқеани милиция ходимларига айтиб беради. Тезкор ҳаракат туфайли жиноятчилар қўлга олинади. Улар орасида «таксичи» ҳам бор эди. Жиноятчиларнинг ҳар бири суд ҳукми билан ўн йилга озодликдан маҳрум этилди.

Бу жиноят таҳлили шуни кўрсатадики, осон пул топишнинг эгри йўли ҳеч қачон яхшиликка олиб бормайди. Ёки бошқа бир жиноят ҳақида фикр юритадиган бўлсак, бу йўл ҳам хатарли бўлиши билан бирга «бели оғримай пул топиш»нинг охири барибир вой эканлигини англатади.

Самарқандга дам олишга борган тўйтепалик М.Эргашева ўша ерда яшовчи О.Бургутовнинг хонадонида бирмунча муддат ижарада туради. Уй эгаси билан бўлган суҳбатлардан бирида «дори»дан топса бўладими, деб сўрайди. «Меҳмоннинг амри вожиб» деб тушунган уй эгаси эртаси куниёқ 200 грамм «қорадори»ни меҳмоннинг қўлига тутқазади.

Ғайриқонуний олди-берди билан шуғулланган Орзимурод Бургутов ўн икки йилга, Мавлуда Эргашева эса ўн бир йилга озодликдан маҳрум этилди.

Жиноят йўлига кирганлар ўғриликни «бели оғримай» пул топиш деб ҳисоблашади. Қаранг, тоғни урса талқон қиладиган ёшда бўлган Фурқат Қурданбоев, Сергей Ерашев ва Елена Корбейлар «Кончи» ёрдамчи хўжалиги боғидан 130 минг сўмлик қорамолни ўғирлаб, танишларига бор-йўғи 35 минг сўмга пуллашади. Лекин молнинг ҳақиқий эгаси чиққач, қонун ҳимоячилари масалани дарров «ечишди».

Юқорида ҳикоя қилинган учала воқеанинг мазмуни битта: ишламай пул топиш ва эгри йўллар билан бойликка эга бўлиш ҳеч қачон хайрли бўлмайди. Айни пайтда бировларни қақшатиб, уларнинг қарғишига қолиб қилинган жиноят ҳеч қачон жазосиз ҳам қолмайди. Тўғри йўл эса умрни безайди.

Рустам НИШОНОВ,
Ўрта Чирчиқ тумани прокурори

Шумғиялар

«ЁШЛИК» КЎЧАСИДАГИ БЕБОШЛИК

Айтишларича, инсон учта нарсанинг, яъни ёшликнинг, соғлиқнинг ва вақтнинг қадрига етмас экан ва бир кун келиб, уларни йўқотгани учун азият чекар экан. Агар ёшликдаги ақл-заковат, куч-қувват, битмас-туганмас шижоат эзгу мақсадлар йўлида ишлатилса, ҳаёт нақадар мазмунли, олам эса чароғон - гулистон бўларди.

Бироқ шоли курмаксиз бўлмаганидек, ҳавас қилса арзигулик йигит-қизларимиз орасида гулшандаги шумғия сингари баъзи ёшларимиз борки, улар ўз калтабинликлари, ўғирлигу нопок йўлни тутганликлари туфайли эл-улуснинг нафратига лойиқдир. Ана шундай нафрат «соҳиб»ларидан бир гуруҳи Узун шаҳри «Ёшлик» кўчасида ўғирлик содир қилдилар. Отабек Комилов деган шахснинг хонадонидан қарийб тўрт юз минг сўмлик мулкни шилиб кетишди.

Қиш - қировли кунлар эди. Ёшлик кўчаси бўйлаб тўрт йигит беқарор тентирар, гоҳ у, гоҳ бу уйга бош суқишиб изғишарди. Барчаси маст-аласт. Қош қорая бошлаганда улардан бири - Турсунбой Маликов дилидагини тилига чиқарди:

- Оғайнилар пул керак! Ўғирлик қиламиз... Ҳув анави уйда ҳеч ким яшамайди чамаси ёки эгалари қаёққадир кетишган. Аммо биламан, уй эгаси топарман-тутарманлардан. А, лаббай!

Тўрттовлон ўзаро келишиб олишди. Дарҳақиқат, уй соҳиби Отабек Комилов Тошкентга хизмат сафарига кетган эди. Шу боисдан хонадон бекаси ҳам болаларини олиб, онасининг уйига кетган. Бундан яхши хабардор бўлишган «ўғри мушук»лар иккиланмай ишга киришишди. Турсунбой Маликов балкон орқали иккинчи қаватга тирмашиб чиқди. Эшикни синдирди. Сўнг ичкаридан буюмлар ўрами тушабошлади. Патгиламлар, чойшабга ўралган идишлар тушириб олинди. Хорижий дазмол, эркаклар курткаси, костюм-шимлар, қимматбаҳо ёпинғичлар, газмол ўрамлари, аёллар кийим-бошлари, тақинчоқлар... Бироздан сўнг атрофга аввалгидек сукунат чўкди. Дарвоқе, ўғриларнинг бозори чаққон бўлди. Улар эртаси куни тонгдаёқ Денов бозорида пайдо бўлишиб, ўғирлик молларнинг аксари қисмини пуллаб, «бадавлат» бўлиб қолишди. Аммо бузоқнинг югургани сомонхонагача деганларидек, қинғир ишнинг қийиғи тезда очилди. Ўғрилар тез орада қўлга тушдилар.

Яқинда Музработ туман суди ушбу тўртовлон гуруҳ Ҳаким Ахтамов, Турсунбой Маликов, Фарҳод Турсунов, Исроил Пиримқуловларнинг мазкур ишлари устидан ўз ҳукмини эълон қилди. Ҳар бирига 5-6 йилга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Халқ ва ўз фарзандлари кўзи олдида ўғри деган тавқу лаънатни елкаларига осиб олган бу кимсалар судда чунонан пушаймонлик билдирдиларки... кечлигини ҳеч ким рад этмади.

Сўқир кўзлар очилгандай бўлди. Аммо кейинини вақт кўрсатади.

Норбой АБДУРАСУЛОВ,
журналист,
Сурхондарё вилояти,
Музработ тумани

ҚЎШБОСҚИН

ёхуд Қарши ва Шаҳрисабз истилоси

3-Туркистон линия батальонининг беш ротаси, отлиқ дивизионнинг 6 тўп батареяси, 6 ракета қурилмаси, Оренбург казак қўшинининг 6, 15 юзликларидан иборат ўнг гуруҳ ўт очувчи батарея командири, полковник Кобилинский қўмондонлигида Самарқанддан 7 августда йўлга чиқди ва икки манзил (65 чақирим) йўл юриб, Жомга етди. 8 августда Жомга келишим билан Зарафшон округи қўшинлари бўйича буйруққа кўра Шаҳрисабз гуруҳи қўмондонлигини ўз зиммамга олдим, шу билан бирга Сиз жанобиолийларининг фармойишингиз билан Самарқандга келишган Бош штаб полковниги Троцкийни сафар штабининг бошлиғи, полковник Михайловскийни Жом ўнг гуруҳининг бошлиғи, подполковник Соковнинни Қоратепа чап гуруҳининг бошлиғи этиб тайинладим.

9 ва 10 август кунлари ўнг гуруҳ Жом тоғи бўйлаб юрди, икки кунда у 34 чақирим йўл босди ва 11 августда эрталаб соат 9.00 ларда Шаҳрисабз водийсига, макрит қишлоғига чиқдилар. Жом тоғи бўйлаб ҳаракат қилиш қўшин ва тўплар учун айтарли қийинчиликлар туғдирмади.

11-куни пешиндан сўнг соат 5.00 ларда гуруҳ Шаҳрисабз ташқи деворидан 2,5 чақирим нарида бўлган Ўрус қишлоқ боғларига етиб келди.

Шу куни кеч соат 10.00 ларда Ўрус қишлоқда белгиланган жойга Қоратепа тоғи орқали ўтган чап гуруҳ ҳам етиб келди. Шундай қилиб, Шаҳрисабз гуруҳлари тўла равишда жам бўлди.

Жом орқали юраётган ўнг гуруҳ тоққа, яъни Қалқама қишлоғига етгунига қадар, йўлда учраган қишлоқлар аҳолиси ўз жойида бўлиб, юмушлари билан банд эдилар. Қалқама қишлоғидан кейинги йўлда гуруҳга кишилар учрамади, қачонки гуруҳ Шаҳрисабз водийсига қадам босгач, Макрит қишлоғидан Ўрус қишлоққа етгунча Китоб тарафдан душман пистирмалари қораси кўрина бошлади. Уларнинг айримлари илғорни ва асосий лашкарнинг бош қисмини ҳаракатга келтириб, гуруҳнинг аравалар ва аръергарди бўлган орқа қисмига яқинлашиб кела бошлади ва милтиқлардан ўт очди. Гуруҳ қўмондони Михайловский шунда ўнг халқага милтиқлардан отишни буюрди. Душман пистирмасидагилар орқага чекиндилар, улар изидан қочаётган тўдага қараб бўшатилган ракеталар ҳаммасини ер тишлатди.

Чап гуруҳ Ўрус қишлоқда белгиланган маррада Жом гуруҳи билан бирлашгунга қадар Самарқанддан уч манзил йўл юрди. У 9-батальоннинг 4 ротаси (1, 2 ва 4 ўқчилар), тоғ взводи, 2 ракета қурилмаси ва 150 Сибирь қўшинлари казакларидан иборат эди. Бу гуруҳ Самарқанддан икки кун сўнг, яъни 9 августда чиққан эди. 10 куни гуруҳ довонга кўтарилди ва шу ерда буйруғимни кутиб турди. 11 куни эрталаб подполковник Соковнинга тоғдан ошиб ўтишни ва Ўрус қишлоқ сари, Жом гуруҳи билан бирлашиш учун юришни таклиф этдим ва у ўз вақтида бажарилди.

Шаҳрисабзнинг асосий кучлари жойлашган Ўрус қишлоқ марраси қуйидагича: унинг марказида 3 та қўрғон бор, улардан ўртадагиси нисбатан катта ва баландроқ. Бу қўрғондан бутун теварак-атроф ва узоқ масофа кўриниб туради. Юқорида айтилганидек, қўрғонлардан қалъага қадар 2,5 чақирим бўлиб, дурбиндан истеҳком деворлари ва қалъа айланаси бор бўйича аниқ-тиниқ кўриниб туради. Қўрғонларнинг чап тарафидан, бир неча қадам нарироқдан Китобга йўл ўтган ва марранинг орқасида бир чақиримчалик масофада у иккига ажралади, бири Макритга, уни эса Қайнар орқали Қоратепа довонига олиб боради.

> **Янги тарихимиз саҳифалари**

Марра олдида ундан ярим чақирим нарида тушган йўл Ўрус қишлоқ бўйлаб чорак чақиримдан сўнг кўз илғар очиқ жойда оқиб ётган Қашқадарё ўзанидан ўтиб, истеҳком қалъаси орқали боғлар, шаҳар ва Китоб қалъасига туташади.

Ўнг томондан маррага Ўрус қишлоқ боғлари ва ўнгирлари тарқалиб келар, орқада ишлов берилган очиқ далалар кўриниб туради.

12-куни эрталабдан марра олдида ўнг тарафдан босимроқ бўлган ҳолда душман тўдалари пайдо бўла бошлади ва аста-секин марра сари яқинлашиб, ўт очишга киришди.

Ўқчилар гуруҳини уларга қарши йўллашга буйруқ бердим ва улар шу заҳотиёқ душман тўдасини анча масофага улоқтириб ташлади.

12-куни соат 9.00 да гуруҳдан пиёдалар ротаси, 20 казак ва 2 ракета қурилмасини олдимда, истеҳком мудофаасини мўлжал қилишга отландим. Штаб бошлиғи полковник Троцкий, бош штаб зобитлари - капитанлар Соболев, Фриде ва штабротмистр Аминовлардан ташқари, менинг ихтиёримда бўлган кишилар, икки гуруҳ бошлиқлари, полковник Михайловский, подполковник Соковнин ва гуруҳнинг муҳандислик қисми бошлиғи подполковник Богаевскийлар мўлжалга олиш пайтимизда мен билан бирга эди.

Мўлжалга олиш ишлари маррадан тўғри Китобга қараб кетувчи ва истеҳком деворидан 300 қадамча нарироқдаги баланд қўрғонда амалга оширилди. Қўрғондан истеҳкомнинг ўнг тарафини шахсан кўздан кечириб, Михайловский гуруҳнинг ҳужум қилиш жойини танлаб ва кўрсатиб, полковник Михайловский, подполковник Соковнин ва Богаевскийларга қўрғондан чапга юриб, истеҳком деворининг у томонини қараб чиқишни ва подполковник Соковнин гуруҳи учун жой танлашни буюрдим. Шу билан бир вақтда бош штаб капитани Соболевни қўрғондан тўғрига, полковник Михайловский батареяси учун мўлжалланган жойни синчиклаб кузатиш учун юбордим.

Соковнин гуруҳи учун жойни танлаб ва кузатиб бўлгач, мен лагерга қайтдим, полковник Михайловский ва подполковник Соковнинлар эса пиёдалар ротаси билан истеҳком деворлари ва тўсиқларни янада синчиклаб кузатиш, қолаверса, теварак-атрофни ўққа тутиш учун лагердан келтиришни буюрганим иккита тўп учун қулай жой танлаш учун қолишдилар.

Мўлжалга олувчи гуруҳ Ўрус қишлоғи боғларидан чиқиб, менинг қўрғонга келиб тўхташимдан бошлаб, бутун мўлжалга олиш ишлари давомида, душман гуруҳга истеҳком девори ҳамда тўпхоналардан узлуксиз ўқ ва замбарак отиб турди. Полковник Михайловский, подполковник Соковнин ва Богаевскийларга эса қалъани чап томонидан ўраб турган боғлардан отлиқлар тўдаси ҳужум қилиб, милтиқлардан ўқ уздилар. Тўдаларга қараб отилган бир қанча ракета уларни тум-тарақай қилиб юборди.

Жойни муфассал кўздан кечириб, истеҳком тўпхоналарини дастлаб мўлжалга олувчи гуруҳ турган қўрғондан сўнг унинг ўнг тарафидаги майда тепаликдан ўққа тутиб, полковник Михайловский ва подполковник Соковнин рота ва тўпчилар взводини ўзлари билан бирга олиб қайтдилар.

Шу кечаси батареяни танланган жойга ўрнаштириш масаласини ҳал этиб, ҳужумда асқотадиган нарвонлар ҳозирлашни буюрдим. Ўрус қишлоққа икки ротани арқон ва керакли нарсалар келтириш учун юбордим.

Китобга ҳужум қилиш ва унга икки ёқлама киришни кўзда тутиб, шу мақсадда қўшинни икки гуруҳга ажратдим: ўнг гуруҳ, полки Михайловский қўмондонлиги остида, 3 рота (1, 3 ва 3 ўқчи батальон жангчилари), тўпчилар ва отлиқлар батареяларининг 1 тадан взводлари, 2 ракета қурилмаси ва 10 казакдан иборат таркибида;

Чап гуруҳ, подполковник Соковнин қўмондонлиги остида, 9-батальоннинг 3 ротаси (1-2 ва ўқчилар), тўпчилар ва отлиқлар батареяларининг 1 тадан взводлари, тоғ замбаракчилари взводи ва 20 казак таркибида.

Қўрғон олди, оралиғи ва орқасида ҳужум учун қўйилган қўшинга заҳира тариқасида 3-батальоннинг 4-ротасини, бир тўпни ва 250 казакни қолдирдим. Заҳира ясовул Принц командаси остида эди. Маррадаги лагерда бутун ашёлар, аслаҳалар 3-батальоннинг 2-ротаси, 9-батальоннинг 4-ротаси ва 20 казак қўриқловида турарди. Лагерни идора этиш рота командирларининг мартабаси улуғи, поручик Гомаинга топширилган эди.

Полковник Михайловский гуруҳида унга ёрдамчи қилиб майор Полтарацкий, артиллерия бошлиғи подполковник Кобилинский ва муҳандислик ишлари раҳбари подполковник Богаевскийлар тайинланди ҳамда унинг ихтиёрига бош штаб капитани Фриде берилди. Подполковник Соковнин гуруҳида унга ёрдамчи подполковник Раевский, артиллерия бошлиғи ясовул Топорнин, муҳандислик ишлари раҳбари штабс-капитан Непокупний тайинланди ҳамда унинг ихтиёрига бош штаб капитани Соболев биркитилди.

12 август кечқурун қоронғи тушиши билан ҳужумга шай турган қўшин пиёдаларига батареялар эгаллаши лозим бўлган маррага томон юриш буйруғини бердим. Иккала гуруҳ қўшин Ўрус қишлоқдан ўта туриб, у ерда тайёрлаб ва араваларга юклаб қўйилган нарвон, арқон ва зарур аслаҳаларни ўзлари билан олдилар. Тун қоронғулиги ва сокинлигида амалга оширилган ҳаракат душман томонидан сезилмади, иккала гуруҳ қўшин белгиланган ерга етиб, шу заҳотиёқ батареяларни жойлаштиришга киришди ва бу ишлар деярли бир ўқ отилмай уддаланди. Михайловский батареяси қўрғондан 220, Соковнин батареяси эса 78 аршин масофада ўрнаштирилди.

Поён РАВШАНОВ

(Боши ўтган сонда, давоми бор)

Катта йўлга чиққан кичик карвонман...

А. Қултўраев олган сурат

Ҳуқуқшунос илҳоми

ЎЗБЕКИСТОН — СУЯНЧ ТОҒИМ

Ўзбекистон - суянч тоғим,
байрамларинг муборак,
Шодлик билан ўтаётган кунларингдан айланай.
Бугун яна завққа тўлиб кўксимда ёнар юрак -
Минбарингдан сўз айтмоққа навбат
кутиб шайланай.

Она юртим, ўтмишингни ўйлаб қолдим ушбу дам,
Яшаб туриб, ўз тилидан айрилган бир халқ эдик.
Дилда иймон собит учун дин йироқда бўлса ҳам,
Мадад олиб Оллоҳимдан ИСТИҚЛОЛ
деб қалқидик.

Бизни агар асрамаса Яратганнинг паноҳи,
Қайда эди бу иқбол у қайда эди бу даврон.
Бизни қўллаб турмасайди буюкларнинг арвоҳи,
Бундай улуғ байрамларни кўрар эдик қай-қачон?

Минг бор шукур, муродига етган озод жонлармиз,
Энди Сенга, эртанги кун камолингдан айтайму?
Бир-бирига меҳрибону ўз-ўзига хонлармиз,
Жаҳонга юз очаётган жамолингдан айтайму?

Она юртим, айтайинму бахтимиз Қомусидан,
У - мақтаниб, мақтанмасам
эркимизнинг қалқони.
Ўзбек элим кечмас сира сен учун номусидан,
Сенга фарзанд бўлганларнинг дунёда йўқ армони!

Озод юртга ярашгайдир шодиёна ҳам, байрам ҳам,
Тинчимизни таъмин этган
Юртбошимдан айланай.
Қандай яхши, шундай кунда дўстлар
бўлса жамулжам,
Чин юракдан шеър айтмоққа бугун
мен ҳам шайланай.

Битта куйчи шоир бўлиб ярасам кор-ҳолингга,
Оқлармидим бир кун берган
беминнат нон-тузингни.
Кўз тегмасин дейман асло мангу Истиқлолингга,
Ўзбекистон - суянч тоғим, қўлла мендай қизингни!

Гулчеҳра ХЎЖАНОВА,
УзФА аспиранти

ОЙДИН ЙЎЛНИНГ ОДИМЛАРИ

«Ҳаёт ва қонун» журналининг феврал ойи сони нашрдан чиқди

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда ёшлар сиёсатини изчил юритадиган, аниқ мақсадларни кўзда тутган изчил механизм юзага келтирилган эди. Ана шу механизмнинг самарали ишлаши ёшлар жамоат ташкилотлари зиммасига қандай вазифаларни юклатди ва бу вазифаларни амалга оширишда қўлга киритилаётган ютуқлар нимада, қайси жабҳаларда бу борада камчиликлар мавжуд? Мазкур долзарб масалаларнинг йил бошидаёқ кенг жамоатчилик муҳокамасига ҳавола этилаётгани бежиз эмас. Зотан 2000 йил Президентимиз томонидан «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинди ва бу ҳар биримиздан мамлакатимиз ёшлари келажаги учун масъулиятни чуқур ҳис этишни талаб қилади. «Ҳаёт ва қонун» журналининг феврал ойи сони шу мавзудаги мақола билан очилади. Мақола муаллифи Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси тадқиқотчиси Лазиз Тангриев «Давлат, ёшлар ва жамоат ташкилотлари» ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва бундан келиб чиқадиган вазифалар борасида қизғин мулоҳаза юритади.

Ёшлар тарбияси, умуман, фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат барпо этиш масалалари кўп жиҳатдан маҳаллий ҳокимият тизимини такомиллаштириш, унинг фаолиятини изчил йўлга қўйишни талаб этади. Бу тизимнинг фаолият доирасига кирувчи вазифалар Урганч Давлат Университети катта ўқитувчиси Я.Олламов мақоласида батафсил баён этилган.

Журналнинг феврал сонида бевосита ҳуқуқшунослик муаммоларига бағишланган бир қатор назарий ва амалий аҳамиятга молик мақолалар эълон қилинган. Хусусан, «Судлар инсон ҳуқуқи ҳимоячиси» мақоласида (Г.Юлдашева) инсон ҳуқуқи ва эркинлигининг умумий судлар томонидан ҳуқуқий таъминланиши ҳақида сўз юритилса, «Атроф-муҳит ва масъулият» (Н.Абдуллаева), «Дипломатик ҳуқуқ ва давлатнинг ички қонунчилик тизими» (Л.Саидова), «Шахснинг ташқи қиёфаси терговчига нима беради?» (М.Холхўжаев) сингари мақолаларда инсон ва экологик ҳуқуқлар, дипломатик фаолиятни тартибга солувчи қонуний ҳужжатлар, криминалистик экспертиза муаммоларига доир асосли мулоҳазалар ўртага ташланган.

Умуман, «Ҳаёт ва қонун» журналининг феврал сони мундарижасини кузатиб, унда жамиятимиз барча қатламларининг қизиқиши ҳисобга олинганига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Таҳририятнинг оммабоп публицистик мақолаларга кенгроқ ўрин бераётганини, асосан, аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни изчил тарғиб этишга, жиноятчилик қандай кўнгилсиз оқибатларга олиб келишини аниқ ҳаётий факт ва мисолларда кўрсатишга қаратилган мақсади билан изоҳлаш тўғри бўлади. Масалан, «Тўрт «оға-ини» ўғрилар» мақоласидан (Ф.Қулматов) ўқувчи ёшларни терғаб туриш, ҳалол меҳнатга ўргатиш турмушнинг майда ташвишлари эмаслигини тушуниб етса, «Меҳр-оқибат унутилганда...» мақоласида (Ж.Маҳмадаминов) одамлар ўртасидан оддий муросаю мадоранинг кўтарилиши қандай оқибатларга олиб келиши ҳақида ҳикоя қилинади. «Онаси бағрига қайтди» (М.Абдураҳимова), «Ҳимояга муҳтож ҳимоячи» (Э.Одилов), «Дўсти - қотил» (И.Эгамназаров) мақолаларида эса оила ва ҳуқуқ, ишонч ва унга хиёнатдек ҳаётий мавзулар қаламга олинганки, бу чиқишларнинг етакчи жиҳатлари унда кишиларни ҳушёрликка, фақат қонун нуқтаи назаридан келиб чиқиб ҳаракат қилишга даъват этилганидадир.

Журналнинг феврал ойи сонида халқаро ҳуқуқий муносабатлар ва жамиятимиз тараққиёти билан алоқадор мавзуларда яна бир неча материаллар берилган. Ўқувчилар ТДЮИ тадқиқотчиси Р.Мўминнинг мақоласини ўқиб, «Хитой мўъжизаси» - ХХРнинг иқтисодий юксалиши сирларидан хабардор бўлишса, М.Бойдадаевнинг «Мафкура ислоҳоти ва жамият тараққиёти» мақоласида Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, тараққиёт шартлари ва кафолатлари» китобида Ўзбекистондаги ислоҳотлар мафкурасининг ёритилиши ҳақидаги мулоҳазалар билан танишадилар.

«Ҳаёт ва қонун» журнали ҳуқуқшуносликка доир масалаларнинг, ҳуқуқ тарғиботининг маданият, адабиёт соҳалари билан уйғун нуқталарига бағишланган тадқиқотларни ҳам ёритиб келади. Мазкур сонда эълон қилинган А.Холмуродовнинг инсон ҳуқуқларининг бадиий адабиётдаги талқини ҳақидаги «Адолат ва адоват» ҳамда Б.Йўлдошевнинг адабий танқиднинг эстетик ва ҳуқуқий тамойиллари мавзуидаги «Янги аср бўсағасида» мақолалари ўқувчилар эътиборини шахс эркинининг бадиий акси ва унинг адабий танқиддаги эътирофи масалаларига қаратади. Шунингдек, ушбу сонда таниқли болалар ёзувчиси Сафар Барноев журнал меҳмони бўлган. Адибнинг «Хум» номли ҳикояси қизиқиш билан ўқилиши шубҳасиз. Журнал, ҳар сафаргидек, сиз азиз муштарийларнинг эътиборига ихчам, ибратли ҳикоятлар, эртаклар, ҳикматли сўзлар, матн ва ҳажвияларни, кўплаб қизиқарли фото-лавҳаларни ҳам тақдим этганки, уларни ўқиб, кузатиб, бир дунё завқ туюшингизга ишончимиз комил.

Бир сўз билан айтганда, мустақилликнинг ойдин йўлига чиқиб олган мамлакатимизнинг буюк келажак сари ташлаётган дадил одимлари муайян маънода бизнинг журнал саҳифаларида ҳам ўз аксини топаётир. «Ҳаёт ва қонун» юксалиш йўлида сизга энг яқин ҳамроҳдир.

ТАҲРИРИЯТ

Бу ажиб дунё

ИЛМИЙ ЎҒИРЛИК

Тўрт нафар белоруссиялик шахс Германияга ўқиш ва тажриба орттиришга боришиб, 2 йилдан ортиқ вақт мобайнида 80 миллион немис маркасида маблағ орттиришиб, миллионер бўлиб олишибди.

«Қойил!» Бу сўзни биз эмас, немисларнинг кўпни кўрган изқуварлари айтишаётган эмиш. Нега дейсизми? Сабаби бор-да!

Дубовский деган фанлар номзоди яна бир алломаликка номзод - Нестеренковни ғайритабиий ишга кўндиради. Карамжик ва Головченко деган «илмсевар» дўстларини йиғиб олиб, уларга «илмий асосланган режа»ни эълон қилади. Қойилмақом тўртовлон ишга киришади. Нима кўп, Олмонияда автомобилларни прокатга берувчи фирма кўп. Дубковский улардан ўз номига 2-3 ҳафтага автомашина прокатга олади. Шу кунгача Нестеренков чоғроқ автомобил сотиб олувчи иштиёқманд-харидорни топади. Дубовский прокатга олган машинага Карамжик деган сохта ҳужжатлар тайёрлайди. Автомашина сотилади. Головченко эса пайт пойлаб, худди шу машинани ўғирлаб-ҳайдаб қочади ва Дубовскийга келтириб беради. Дубовский машинани олган жойи - прокат фирмасига ўз муддатида қайтаради. Тамом-вассалом! Чўнтакларда жарақ-жарақ пул...

Икки йил деганда полициядагилардан бири «ўғирланган» машинанинг арзимас-озгина тирналган изини прокат идорасидаги машиналардан бирида кўриб қолади. Шу пайтгача ўғирланган машиналарни нуфузли прокат корхонасидан қидириш эсига келмаган изқуварлар бир нечта бундай корхонани кузатув остига олишади. Ниҳоят... Дубовский деган шахс қайси тур ва русумли автомашинани прокатга олган бўлса, уни қайтариб топшириш орасида кимнингдир янги сотиб олган, худди шу маркали машинаси ўғирланганлиги фактига дуч келишади ва... жиноят очилиб, илмий ўғрилар фош этилади. Ҳозир тўрт шерик судни кутиб қамоқда ўтиришибди.

БОШ ҚОТИР!

ЭНИГА: 1. Хўжалик юритувчи ва хусусий шахслар ўртасида тузиладиган ҳужжат, битим. 4. Австралия каби мамлакатларнинг ерли халқи. 9. Совға, туҳфа. 10. Ўзбекистон тарихчи олими, академик. 11. Ўсиш, улғайиш, томир отиш. 14. Масжидда, мадрасада сабоқ, дарс берувчилик қилиш. 17. Ўзбекистон халқ артисти, хонанда. 18. Китобсевар, мутолаа қилувчи. 19. Ёлғиз, якка шахс. 20. Ўғил бола ёки таниқли жангчи адиб исми. 25. Юлдузларга қараб фол очувчи. 26. Жасур, ботир, Ватан фидойиси. 28. Мурувват кўрсатиш, гирдикапалак бўлиш. 31. Ер ҳайдалгандан сўнг текисловчи, кесакларни майдаловчи меҳнат қуроли. 32. Ўзбекистондаги вилоят. 33. Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган автомобил русуми. 34. Ўзбекистондаги вилоят. 35. Болаларнинг таниқли шоири, адиб.

БЎЙИГА: 1. Андижон вилоятидаги туман, шаҳар. 2. Украина парламентининг номланиши. 3. «Сен етим эмассан» фильми бош персонажи, фамилия. 5. Шўролар даврида қувғинга учраган таниқли ижодкор адиб. 6. Африкадаги давлат. 7. Гиёҳванд. 8. Қиёфа, юз, башара. 12. Ўзбекистонда таниқли фан арбоби, ректор. 13. Кимнингдир олдида ҳисоб бериб туриш мажбурияти. 15. Мадҳ айтиш, мақтов. 16. Қиёслаш, таққослаш. 21. Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили. 22. Шўх, бидилдоқ, шум бола. 23. Бошқотирма тури. 24. Ўзбекистонлик адиб ёки хўл мевадан бирига бой эканлигини эслатувчи фамилия. 27. Чаққон, ҳаракатчан. 29. Дунё, жаҳон. 30. Иморат.

Тузувчи: Мулла САЙИЛГОҲИЙ



НОРИЛСКЧАСИГА «СУННАТ»

Бу шаҳарлик 24 яшар ишбилармон йигит - Егор тунги давралардан бирида 17 яшар О. исмли қиз билан танишиб қолади ва боши қизиган пайтда ўзини бошқара олмай қолиб, ожизани зўрлаб қўяди. Тунда уйга қайтган қизча бўлган воқеани куйиниб-йиғлаб опаси Н.га сўзлаб беради. Опаси оғирлик билан синглисига таскин бериб, уни уйқуга кеткизади. Сўнг бориб ўз эрини уйғотади ва эр-хотин оҳиста кийинишиб йўлга тушишади.

Тонгга яқин эшик қўнғироғининг жиринглашидан уйғонган «ишбилармон Егор» ярим яланғоч ҳолда эшикни очади ва қаршисида қора ёпинган қоралар кимлигини англамасдан ўткир тиғ белидан пасти - оёқлари орасини «теп-текис» қилиб қўйганини кўради. Ҳатто додлашга ҳам улгурмасдан ерга йиқилади, эшик оҳиста ёпилади. Уйдагилар қўнғироқ ва гурсиллашдан кейинги сокинликдан сўнг Егорвойни ҳалиги аҳволда топишади. Ҳеч ким ҳеч нарсани сезмай, кўрмай қолади. Ҳатто жабрланувчи О. ҳам эрталаб уйғониб, опаси ва поччаси билан бирга бемалол нонушта қилишади. Егорвойни касалхонада «бир умрга бепушт қолдириб» бўлса-да, ўлимдан сақлаб қолишади. У терговчига ўз гумони - ўша оқшом О. билан бўлган воқеани гапириб беради ва ... жиноятчиларни жазолашни сўрайди. Тергов бир қадар Егорни «кўпроқ суннат» қилиб қўйганларни аниқлагандай бўлади. Лекин судга Егор берилади. Нарёғини ҳали-ҳануз тергов қилишаётган экан... Гумонлар ичида О.нинг опаси олдида илгари қаттиққўл ва «хўжайин» ролида юрган куёвнинг тўсатдан «мулла минган эшак»дай юмшоқ бўлиб қолиши ҳам бор бўлиб, ҳозирча аёлнинг пичоқ ишлатиш маҳоратини зимдан кузатишаётган эмиш...

ОАВдан олинди

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Парахат АЙТНИЁЗОВ
Бурхон БЕКМИРЗАЕВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Неъмат АМИНОВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Сирожиддин РАУПОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Узоқ БОЗОРОВ
Элмурод МУТАЛХЎЖАЕВ
Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ
(масъул котиб)
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН»газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-130 Тиражи-10.000. **Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.00**

Навбатчи:
С.СИРОЖИДДИНОВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи:
У. ДЎСМАТОВ
Компьютерда матн терувчи:
М. ДЎСТОВА

700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси 5.
Тел,факс: (371) 133-24-41
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141- сон билан рўйхатдан ўтган.